

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАҲМОНОВА МАҲБУБА РАВШАНОВНА**

**ЎЗБЕК ХАЛҚ АФСОНАЛАРИНИНГ БАДИИЯТИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation Abstract of doctor of Philological Science (DSc)**

<b>Рахмонова Махбуба Равшановна</b> Ўзбек халқ афсоналарининг бадиияти.....	<b>5</b>
<b>Рахманова Махбуба Равшановна</b> Поэтика узбекских народных легенд.....	<b>37</b>
<b>RahmanovaMaxbubaRavshanovna</b> Poetre of uzbek national legends.....	<b>69</b>
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> <b>Список опубликованных работ</b> <b>List of published works.....</b>	<b>72</b>

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.Fil.46.02РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАҲМОНОВА МАҲБУБА РАВШАНОВНА**

**ЎЗБЕК ХАЛҚ АФСОНАЛАРИНИНГ БАДИИЯТИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.DSc/Fil138 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мирзаева Салима Раимжонова**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ёрматов Исомиддин Турғунович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Ўраева Дармон Саидахмедовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Керуенов Турганбай Аразмедович**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади.

(Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-14; e-mail: [uztafi@academy.uz](mailto:uztafi@academy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (Манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
( 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Т.Мирзаев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., академик

**Л.А.Худайкулова**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

**Ш.Ғ.Турдимов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, ф.ф.д.

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунё фольклорида афсона ҳар бир халққа хос поэтик анъаналарни ўзида мужассамлаштирган эпик жанрлардан бири бўлиб, унинг жанрий белгилари, композицияси, сюжет қурилиши, мотивлар структураси, образлар таркиби, тил хусусиятларини ўрганиш халқ оғзаки ижодининг мифология, тил, тарих, фалсафа, этнология билан боғлиқликдаги бадиий эволюциясини аниқлаш имконини беради. Мана шу сабаб жаҳон фольклоршунослигида халқ оғзаки прозаси таснифи, генезиси ва поэтикаси масалалари тадқиқи устувор илмий йўналишлардан бирига айланиб, афсоналар эпик ижодда халқ насрининг алоҳида жанри эканини далиллашга қаратилган йирик тадқиқотлар пайдо бўлди. Натижада ҳозиргача сақланиб келаётган қадимги мифология билан боғлиқ айрим архаик эпик сюжетлар, ҳаётий-тарихий воқеликларнинг афсоналардаги халқона бадиий талқинини ёритиш ва шу орқали дунё халқлари эпик тафаккури тараққиётига хос муштарак хусусиятларни исботлашга асос яратди.

Жаҳон фольклоршунослигининг мифологик, фин, тарихий, антропологик, ритуал-мифологик, «сайёр сюжетлар» назарияси мактаблари томонидан миф, афсона, ривоят, эртак каби эпик жанрлар генезиси, таснифи ва поэтикаси бўйича ишлаб чиқилган назарий концепциялар, уларнинг қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, тарихий-жуғрофий, структур-семиотик каби тадқиқ усуллари орқали халқ афсоналарига оид материалларни тизимли тўплаш, нашрга тайёрлаш ва ўрганиш алоҳида ўрин тутди. Бинобарин, афсоналарнинг жанрий ва миллий табиати, халқ насрининг асотир, ривоят, эртак, нақл каби бошқа эпик жанрларидан фарқи ва улар билан ўхшаш жиҳатлари, сюжетида ҳаётий воқеа ҳамда ҳаёлий уйдирма, яъни бадиий тўқиманинг ўрни, поэтик композицион қурилиши, мотивлар таркиби, образлар тизими, ифода услуби, тили билан боғлиқ муаммоларга ечим топиш бугунги фольклоршунослик олдида турган долзарб вазифалардан бирига айланган бўлиб, уни назарий бойитишда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ «халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, муқаддас қадамжоларини обод қилиш, ёш авлодни уларнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди ва изчил давом эттирилмоқда».<sup>1</sup> Шу маънавий тикланиш жараёнида ўзбек фольклорининг қадимий жанрларини, жумладан, афсоналарни қиёсий-тарихий ҳамда структур-семиотик жиҳатдан янада чуқурроқ ўрганишга эътибор ортди. Ҳозирги ёш авлодни буюк аждодларимизнинг эзгу қарашлари ва бетакрор эпик анъаналари руҳида тарбиялашда ўз ўрнига эга

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // «Халқсўзи» газетаси. – Тошкент, 2017 йил, 25 май.

афсоналарнинг поэтик хоссаларини белгилаб бериш халқимиз бадиий тафаккури эволюцияси тарихини ёритиш учун жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида» ги, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида» ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги VMQ №222-сон «2010-2020 йилларда Номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида» ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги 304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сонли «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида» ги қароридан белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Жаҳон фольклоршунослигида XX аср ўрталарига келиб афсоналарни кенг кўламда илмий тадқиқ этиш жараёни янада кенгроқ моҳият касб эта бошлади. Бадиий матнларни макромаданий контекст таркибида таҳлил қилиш анъанасининг кучайиши муносабати билан афсоналарни талқин қилишда ҳам назарий-методологик жиҳатдан янги давр бошланди. Афсона жанрининг генезиси ва бадиий эволюцияси, миф ва ривоят, эртақ кабилар билан муносабати, поэтик тафаккур тадрижида тутган ўрнига доир илмий-назарий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.dictionary.com/browse/legend>; <https://www.britannica.com/art/legend>; <http://www.harvard.edu>; <http://science.gov.az>; <https://simple.wikipedia.org/wiki/legend>; <http://www.enu.kz>; <http://www.knu.kg>; [www.til-adabiyot.fan.uz](http://www.til-adabiyot.fan.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

муассасалари, жумладан: University of Harvard (USA), University of British Columbia (Canada); Cambridge University (Great Britain), Universität Bonn (Germany), Academy of Korean Studies Crant (Republik of Korea); Ege Universitesi (Turkey); Москва давлат университети, Санкт-Петербург университети (Россия); Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası Folklor İnstitutı (Azərbaycan); Еуразия улттык университети (Қазақстан); Кыргыз улуттук университети (Кыргыз Республикасы) ва Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон) ва бошқа илмий марказларда олиб борилмоқда.

Жаҳон фольклоршунослигида эпик асарлар, жумладан, афсоналар уни яратган халқнинг тарихи, тараққиёт хусусиятлари, миллий бадиий тафаккурининг ўзига хос ривож ва бошқа миллатлар поэтик анъаналари билан ўзаро алоқаларини ўзида акс эттирган номоддий маданий мерос намунаси эканлиги аниқланган (Universität Bonn (Germany), Санкт-Петербург университети (Россия); афсоналарнинг шаклланиши мифология билан боғлиқлиги далилланган (University of Harvard (USA); Москва давлат университети (Россия); қиёсий-тарихий ва типологик методларни қўллаш билан дунё халқлари фольклоридаги афсоналарнинг трансформацион хусусиятлари очиб берилган (University of British Columbia (Canada); халқ афсоналарининг генезиси, типологияси мисолида туркий халқлар бадиий тафаккури ривожимасалалари белгиланган (Saljun Universitesi, Ege Universitesi (Turkey); Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası Folklor İnstitutı (Azərbaycan); Еуразия улттык университети (Қазақстан); афсоналарининг гёзма адабиётга таъсири асосланган (Academy of Korean Studies Crant (Republik of Korea); Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон).

Жаҳон фольклоршунослигида ҳозирги кунда афсона генезиси ва бадиий эволюциясини аниқлаш, унинг миф, ривоят, эртак, нақл сингари бошқа эпик жанрлар билан муносабатини ойдинлаштириш, эпик ижодиётнинг шаклланиш қонуниятлари ва тараққиёт тамойилларини аниқлаш, архаик сюжетлар генезиси, манбалари ва бадиий эволюциясини ёритиш, халқ эпик жанрларини тасниф қилиш мезонларини мукамаллаштириш, афсона поэтикаси ва типологияси асосида миллий эпик тафаккурнинг ўзига хослигини кўрсатиб бериш сингари йўналишларда илмий тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Замонавий эпосшунослик назариясига кўра афсоналар халқ бадиий тафаккурининг поэтик тараққиётини ўзида мужассамлаштирган маънавий дурдоналар бўлиб, уларда этноснинг келиб чиқиши, давлатчиликнинг шаклланиши билан боғлиқ тарихий воқелик ва ижтимоий-маданий муносабатлар эпик талқин қилинади. Шунинг учун ҳам миллий афсоналарнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш билан бир қаторда уларнинг тарихий-генетик асослари ва типологияси масалаларини этноснинг тарихий тараққиёти билан боғлаб тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон фольклор-шунослигида афсоналарни илмий асосда ўрганиш юзасидан инглиз, рус, турк олимлари томонидан қатор эътиборли ишлар амалга оширилган. Бу борада Ш.Де Костер, К.Бриггс, Б.Еатс каби инглиз, В.Я.Пропп, Н.И.Кравцов, С.Г.Лазутин, К.В.Чистов, С.Н.Азбелев, В.К.Соколова, В.П.Аникин, Ю.Г.Круглов, Н.А.Криничная, Б.Х.Кармишева, С.А.Матвеев сингари рус фольклоршунослари афсоналарнинг генезиси ва поэтикаси, турк олими П.Д.Фидакар уларнинг жанр хусусиятлари ва таснифи масаласи бўйича ўз қарашларини илгари суришган. Қозоқ ва туркман фольклоршунослари ҳам афсоналарнинг жанр хусусиятларига доир мулоҳазаларини баён этиб ўтишган. Жумладан, қозоқ фольклоршуноси С.А.Қасқабасов тадқиқотларида афсоналарнинг жанрий табиати, генезиси, бадиияти масаласида қимматли мулоҳазалар мавжуд<sup>3</sup>.

Ўзбек фольклоршунослигида К.Имомов ўзбек халқ насри жанрлари тизимида афсоналарни ҳам ўрганар экан, уларнинг жанр хусусиятлари, бадиияти ва сюжет типлари хусусида ўз қарашларини баён этиб ўтган. У.Жуманазаров ўзбек фольклорида тарихий воқеликларнинг талқини хусусидаги изланишларида ўзбек тарихий афсоналарининг образлар таркиби ҳамда афсонанинг тарих ва дин билан муносабатимасаласига алоҳида эътибор қаратган. М.Жўраев афсоналарнинг ўзига хос эпик белгилари, мифологияга муносабати, мавзу йўналишларини, айниқса, самовий афсоналарнинг табиати ва генезисини янада чуқурроқ тадқиқ қилган. Бизнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертациямизда эса ўзбек халқ афсоналарининг мавзуий бир тури – тарихий афсоналарнинг ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва таснифи махсус ўрганилган эди<sup>4</sup>.

Шунингдек, М.Муродов, С.Рўзимбоев каби фольклоршунослар, Г.П.Снесарев, Л.С.Толстова, В.Н.Басилов каби этнологларнинг<sup>5</sup> тадқиқотларида ҳам ўзбек афсоналари таҳлиliga доир қимматли фикр-мулоҳазалар мавжуд. Бироқ ҳалигача ўзбек халқ

<sup>3</sup> Де Костер Ш. Легенда об Уленшпигеле (перевод с английского Н.М.Любимова). – М.:Терра, 1997. – С. 474; Briggа K. British folk-tales and legends. – London and New York, 2002. – 415 p.; Yeats W.B. Fairy and Folk Tales of Ireland. – Bountу, 2004.; Пропп В.Я. Жанровый состав русского фольклора. Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976; Кравцов Н.И., Лазутин С.Г. Русское устное народное творчество. – М.: Высшая школа, 1983; Аникин В.П., Круглов Ю.Г. Русское народное поэтическое творчество. – Л.: Просвещение, 1983; Матвеев С.А. Английские легенды (English folktales and legends). – М., 2014. –С. 130.; Pinar Dönmez Fidakâr. Karakalpak efsaneleri (inceleme-metinler). – Izmir. 2012.; Қасқабасов С.А. Казахская сказочная проза. – Алма-ата: Наука, 1990; Баймырадов А. Туркмен фольклор прозасының тарыхы эволюциясы. – Ашхабад: Ылым, 1982.

<sup>4</sup> Имомов К. Афсона жанри // Ўзбек тили ва адабиёти, 1976, 4-сон, – Б. 68-72. Шу муаллиф : Афсона / Ўзбек фольклори очерклари. 2-том. – Тошкент: Фан, 1989, – Б. 3-31. Шу муаллиф: Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент: Фан, 1981; Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: Фан, 1991; Тарих, афсона ва дин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990.; Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. – Тошкент: Фан, 1995; Жўраев М. Ўзбек халқ тақвими ва мифологик афсоналар. – Тошкент, 1994; Раҳмонова М.Р. Ўзбек халқ тарихий афсоналарининг ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва таснифи: Филол. Фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2004.

<sup>5</sup> Муродов М. Афсоналарда шоир сиймоси. / Ўзбек тили ва адабиёти. – 1967. – 4-сон. – Б. 24-28; Рўзимбоев С., Бекчанов Ш. Афсона ва тарихий ҳақиқат. – Хива, 2000; Снесарев Г.П. Три хорезмские легенды в свете демонологических представлений // Советская этнография, 1973, № 1; – С. 48-58; Шу муаллиф: Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средний Азии. – М.: Наука, 1983; Толстова Л.С. Исторические предания Южного Приаралья. – М.: Наука, 1984; Басилов В.Н. Культ святых в исламе. – М.: Наука, 1970.



афсоналарининг бадиияти масаласи илмий жиҳатдан етарли ўрганилган дейиш қийин.

Шуни эътиборга олиб, мазкур тадқиқотда ўзбек халқ афсоналарининг бадиий-композицион ва лингвопоэтик хусусиятларини, уларда воқеликнинг бадиий талқин қилинишига хос жиҳатларни, етакчи мотивларининг мавзу типларини ва генезисини, образлар тизими ва таркибини, афсоналарда уйдирманинг тутган ўрни ва кўламини, табиатини, бадиий-эстетик вазифасини, ифодавий тасвир воситаларининг қўлланилишига хос қонуниятларни аниқлаш кўзда тутилди.

**Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Андижон давлат университетиде бажарилаётган «Ўзбек фольклоршунослигининг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий тадқиқотлар режаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбекхалқ афсоналарининг жанрий белгилари, халқ насри тизимида тутган ўрни, бошқа эпик жанрлар билан муштарак ҳамда фарқли жиҳатлари, генезиси, поэтик тараққиёт қонуниятлари, воқелик баёнида бадиий тўқимага асосланиш тамойили, мавзу типлари, мотивлар структураси, образлар таркиби, лингвопоэтик ва композицион хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек халқ афсоналарида хаёлий уйдирмага асосланган сирли ва мўъжизавий воқелик оғзаки ҳикоя шаклида баён қилиниши туфайли улар халқ насрига алоқадор эпик жанрлардан бири эканини далиллаш;

афсоналарнинг халқ прозаси тизимида тутган ўрнини белгилаш учун унинг асотир, ривоят, эртақ, нақл сингари жанрлар билан муштарак ҳамда фарқли жиҳатларини, генезисини, поэтик тараққиёт қонуниятларини ёритиш;

афсоналарда хаёлий уйдирма, яъни бадиий тўқиманинг тутган ўрни ва поэтик вазифаларини аниқлаш;

афсоналарни сюжет тизимида кўра мавзу типларига ажратиб таснифлаш;

афсоналар сюжетида учрайдиган етакчи анъанавий мотивлартипларини аниқлаб, тарихий асосларини очиш;

афсоналарнинг образлар тизими ва таркибини мифологик ҳамда реал образлар ташкил қилишини, уларга хос типологик белгиларни асослаш;

афсоналарда образлиликни таъминловчи бадиий ифода воситалар турларини ва уларнинг лингвопоэтик ҳамда стилистик хусусиятларини кўрсатиш;

афсоналар бадиий қурилишини таъминловчи композицион элементларнинг вазифаларини ойдинлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Асотирлар ва ривоятлар» (1990), «Ўзбек халқ асотирлари» (1993) «Ипак йўли афсоналари» (1993), «Боболардан қолган нақллар» (1998), «Бухоро афсоналари» (2002) тўпламларидаги афсона матнлари асос қилиб олинди. Шунингдек, ишда

Андижон, Наманган, Бухоро вилояти ҳудудларидан шахсан диссертант томонидан ёзиб олинган ўзбек халқ афсоналаридан ҳам фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг предметини** ўзбек афсоналарининг жанрий хусусиятлари, генезиси, мавзуй турлари, мотив ва образлари типологияси, ифода услуби, лингвопоэтик хоссалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, структур-семиотик ҳамда руҳий таҳлил методлари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек халқ афсоналарига хос бадиий ижод қонуниятлари ажратиб кўрсатилиши натижасида унинг ўзбек фольклоридаги эпик турга мансуб жанрлардан бири эканлиги асосланган ҳамда унга хос шаклан ихчам бўлиш, информатив характер касб этиш, саргузашт ва муболағали тасвирга кенг ўрин берилиши каби хусусиятлар аниқланган;

ўзбек халқ афсоналарида қадимги аجدодларимизнинг ибтидоий дунёқараши, турли эътиқодий қарашлари ва мифологик тасаввур-тушунчалари акс этиши ҳамда воқелик ҳаёлий уйдирма ва бадиий тўқима асосида оғзаки ҳикоя кўринишида баён этилиши етакчи эпик тамойилга айланганлиги исботланган;

ўзбек халқ афсоналари сюжет тизимига кўра гуруҳлаштирилган ҳамда етакчи мавзу типларига ажратиб таснифланиб, анъанавий мотивлар таркибининг генетик илдизлари қадимги мифология, ибтидоий тасаввур ва эътиқодий қарашлар тизими, урф-одатлар, анъана ва маросимларга боғлиқлиги очиб берилган;

ўзбек халқ афсоналари образлар таркибининг генезиси, яъни мифологик образлар, сеҳрли предметлар образи, тарихий образлар, самовий образлар сингари мифологик архетиплар билан боғлиқлиги далилланган;

ўзбек халқ афсоналарининг ўзига хос образлилик ва бадиийликка эга бўлишида лингвопоэтик ифода воситаларининг ўрни кўрсатилиб, бу жанрга мансуб матнлар композицион қурилиши жиҳатидан эртак, нақл сингари эпик жанрлардан ажралиб туриши ойдинлаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

ўзбек халқ афсоналари бадииятини ўрганиш асосида унинг фольклор жанрлари орасида алоҳида, мустакил яхлит поэтик тизим экани аниқланган;

афсоналар сюжети, мотив ва образларининг бадиий таҳлили орқали уларнинг миф, ривоят, эртак ва нақлларга ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари асосланган;

афсоналарнинг бадиий-композицион ва лингвопоэтик хусусиятларини аниқлаш асосида у билан яқин бадиий шаклга эга бўлган асотир, ривоят, эртак, нақл каби бошқа эпик жанрларнинг тадрижий тақомилига хос эпик қонуниятлар кўрсатиб берилган;

афсоналарнинг жонли оғзаки ижрода сақланганлиги, лекин яратишдан тўхтагани, тарбиявий вазифаси далилланган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** ўзбек халқ афсоналарининг келиб чиқиш тарихий илдизлари мифларга бориб тақалиши, уларнинг мифлардан кейинги стадиал босқичда шаклланиш жараёни, ривоят, эртак ва

нақллардан фарқи, эпос ривожланишига таъсири ишончли манбалар асосида жаҳон мифшунослиги ва афсонашунослигининг энг янги илмий концепциялари ва назарий қарашлари асосида қиёсий ўрганиш натижасида аниқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Мазкур диссертация ишининг илмийаҳамияти ўзбек фольклоридаги эпик жанрларнинг, хусусан, афсоналарнинг тарихий-генетик асоси ва бадиий хоссаларини тадқиқ этиш тамойилларини такомиллаштирганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижалариданжаҳон халқларининг миф, афсона, ривоят ва эртакларини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганишда, эпик ижодиётнинг миллий хусусиятларини ёритишга доир фундаментал тадқиқотлар яратишда кенг кўламда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг амалий аҳамияти унинг материаллари ва хулосаларидан ўзбек адабиёти, халқ оғзаки ижоди ва манбашунослик фанлари бўйича маърузалар ўқишда, дарслик, ўқув кўлланма ва мажмуалар яратишда хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек халқ афсоналарининг бадиий хусусиятларини тадқиқ этиш асосида:

диссертациянинг афсона жанри генезиси ва таснифига доир назарий хулосаларидан ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган Ф1-ФА. 2012-1-8 «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари»(2012-2016) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳани амалга оширишдафойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 19 октябрдаги 89-03-3591-рақамли маълумотномаси). Натижада ўзбек халқ топонимик ва тарихий афсоналаридан иборат жилдларга киритиладиган афсоналар сараланиб, таянч матнлар ва уларнинг илмий изоҳлари тайёрланган;

афсона жанрининг ўзига хос хусусиятлари ва ўрганилиши тарихига доир диссертация материалларидан Ўзбекистон Миллий университетида Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилган ОТ-Ф8-151 «Адабиёт энциклопедияси»(2007-2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳада «афсона» термини ва тушунчасининг моҳиятини аниқлаштиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 2 октябрдаги 89-033430-рақамли маълумотномаси).Натижада «Адабиёт энциклопедияси»даги «Афсона» мақоласида афсоналар хусусиятлари ва бадиияти шарҳида ишончли маълумотлар берилишига эришилган;

мифологиянинг афсона жанри генезисида тутган ўрни ҳақидаги қарашларидан Навоий давлат педагогика институтида бажарилган Ф1-ХТ-0-19919 «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни»(2012-2016) фундаментал лойиҳанинг «Ўзбек фольклори ва мифология» қисмида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 22 октябрдаги 89-03-3619-рақамли маълумотномаси).Натижада афсоналарнинг мифологик асосларига доир назарий қарашлар такомиллаштирилган;

диссертантнинг ўзбек афсоналари туркий халқлар эпик насри тизимида тутган ўрни ва тарихий генетик жиҳатдан муштарак негизга эгалиги ҳақидаги назарий умумлашмалари Туркия жумҳурияти Карабук университети «TED203 – Halk Edebiyatı I», «TDE437 – Türk Mitolojisi 1», «TED703 – Türk Halk Edebiyatının Kaynakları», «TED705 – Türk Halk Edebiyatı Anlatı Türleri» фанларини ўқитишда фойдаланилган (Туркия жумҳурияти Карабук университети Адабиёт факультети «Турк тили ва адабиёти» бўлимининг 2018 йил 10 октябрдаги 009/11-рақамли маълумотномаси). Натижада тадқиқотчиларга ўзбек афсоналарининг типологик белгилари, ундаги айрим мифологик мотив ва образларнинг туркий халқлар фольклори билан муштараклиги хусусида янги маълумотлар берилган;

ўзбек халқ афсоналари сюжет тизимининг типологик хусусиятга эгалигига доир таҳлилий хулосалар Озарбайжон Миллий Фанлар академияси Адабиёт институти «Озарбайжон халқ оғзаки ижоди ва ёзма ёдгорликлари» бўлимида бажарилган илмий тадқиқотларда туркий халқлар афсоналарининг бадиий образ ва мотивларини қиёсий ўрганиш асосида типологик ўхшашликларни аниқлашда фойдаланилган (Озарбайжон Миллий Фанлар академияси Адабиёт институтининг 2019 йил 13 февралдаги 007/12-сонли маълумотномаси). Натижада туркий халқлар фольклорида афсона жанрининг келиб чиқиши ва ривожланиши ўзаро боғлиқликда кечганлиги асосланган;

Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг «Ижод гулшани» кўрсатувида ўзбек халқ афсоналарининг ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамияти диссертациядаги янги илмий маълумотлар мисолида очиб берилган. «Маънавият сарчашмаси» ва «Шукрона» эшиттиришларини тайёрлашда диссертациянинг ўзбек халқ афсоналаридаги эзгу қадриятлар талқинига доир хулосаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 9 октябрдаги 26/236-рақамли маълумотномаси). Натижада телекўрсатув ва эшиттиришларнинг мазмуни бойитилиб, ғоявий, илмий таъсирчанлиги оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 24 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 3 та хорижий конференцияларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 46 та илмий иш нашр этилган, шулардан 2 монография, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан, 10 таси республика ҳамда 7 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 256 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, мақсади ва вазибалари, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқотнинг жорийланиши, натижаларининг эълон қилинганлиги ва тадқиқотнинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Афсоналарда воқеликнинг бадиий талқинига хос хусусиятлар**» деб номланган биринчи боби «**Афсона жанрига хос асосий белгилар**» номи фасл билан бошланган ва унда ўзбек халқ афсоналарининг жанр табиати, специфик хусусиятлари борасида фикр юритилган.

«Афсона» атамаси форсча «афсун – сеҳр-жоду» маъносини англатувчи сўздан олинган бўлиб, фантастика, хаёлий уйдирма асосида яратилган насрий ҳикояларга нисбатан қўлланади. Жанрнинг номланишидан шуни сезиш мумкинки, афсоналарда сеҳр-жоду иштирок этган мотивлар алоҳида ўрин эгаллайди. Афсоналарда сирлилиқ, мўъжизавийлик талқини етакчилиқ қилади. Афсона сюжетида мўъжизавийликнинг муҳим ўрин тутиши унга хос энг етакчи поэтик хусусият ҳисобланади.

Афсоналарда воқелик хаёлий уйдирма орқали талқин қилингани боис, уларда сирли воқеалар баёни кўп учрайди. Тилсимий, сеҳр-жоду, мўъжиза аралашган ҳодисалар, «ғаройиб предметлар» ҳаёт воқелиги билан ёнма-ён келтирилиши афсоналар сюжетида хос асосий белгилардан биридир. Шунинг учун афсоналарда реал шахслар образи хаёлий, мифологик тимсоллар билан бир қаторда, ёнма-ён, ўзаро мулоқотда ва муносабатда тасвирланаверади.

Афсонада ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ҳодисалар, географик жой номлари, аҳоли яшаш жойларининг қурилиши ёки вайрон бўлиши ҳақидаги воқеалар ҳикоя қилиниши боис уларда бадиий талқиндан кўра баён услуби етакчилиқ қилади.

Афсона эпик жанр саналади. Чунки унда воқелик ҳикоя кўринишида баён этилади. Шу сабабдан «Девону луғотит - турк» китобида афсона жанри намуналарига нисбатан ҳикоя ҳамда қисса атамаси қўлланиши кузатилади<sup>6</sup>. Аниқроғи, афсона хаёлий уйдирмага асосланган кичик оғзаки ҳикояларни англатади. Туркий халқларда ҳам ушбу жанрни англатувчи махсус сўз мавжуд бўлган. XI асрнинг машхур қомусий олими М.Кошғарийнинг хабар беришича, қадимги туркий тилдаги «сав» сўзи афсона маъносида қўлланган.

Халқ оғзаки ижодига хос барча хусусиятлар: жамоа ижоди маҳсули, оғзакилик, анъанавийлик, анонимлик, вариантлилиқ афсоналар учун ҳам хосдир. Шунинг учун улар халқ оғзаки ижодининг мустақил жанри сифатида тан олинади.

Ҳаётий воқеликнинг хаёлий уйдирма воситасида эпик талқин қилиниши, асосан тингловчига маълум бир ахборот-маълумотни етказиш мақсадида ижро этилиши, фақат ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар баён қилиниши, ҳикоя қилинаётган воқелик талқини айтувчи ва тингловчи томонидан бўлган воқеанинг баёни сифатида қабул қилиниши, сюжет қурилишида мифологик

<sup>6</sup>Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк. 3- том. – Тошкент: Фан, 1963. – Б. 168.

тасаввурлар ва халқ қарашларига алоқадор анъанавий мотивлар ҳамда образларнинг мавжуд бўлиши афсона жанрининг умумий эпик белгилари ҳисобланади.

Ўзбек халқ афсоналарининг мавзу доираси ранг-баранг бўлиб, унда ўтмишда рўй берган муҳим воқеа-ҳодисалар, ҳаётда яшаб ўтган реал тарихий шахслар фаолияти, уруғ-қабилаларнинг келиб чиқиши, меъморчилигимиз тарихида муҳим ўрин тутган обидаларнинг қурилиши, шаҳарларнинг бунёд этилиши, авлиёларнинг кароматлари ва бошқалар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ҳозирги пайтда афсоналарнинг яратилиши сўнган эса-да, ижро жараёнида улар яшаб келмоқда.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли **«Афсоналарнинг эпик тафаккур тадрижида тутган ўрни ва халқ насрининг бошқа жанрлари билан муносабати»** деб аталади. Бу фаслда ўзбек халқ афсоналарининг эпик тафаккур тадрижида тутган ўрни ва халқ насрининг асотир (миф), ривоят, эртак, нақл сингари оғзаки эпик жанрлари билан муносабати, уларга ўхшаш ва фарқли томонлари тадқиқ қилинган.

Афсоналар сюжетининг генезиси мифология билан чамбарчас боғлиқ. Афсоналар мифлардан кейинги стадиал босқичда пайдо бўлганлиги сабабли уларда ғаройиблик, сеҳр-жоду етакчи ўрин тутди ва кўпинча у сеҳрли-фантастик эртаклардан фарқли равишда персонажнинг хоҳишига кўра эмас, балки ташқи ғаройиб куч билан юз беради. Лекин баъзи афсоналарда персонажнинг сеҳр-жоду қудрати билан юз берган ғаройиблик ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Масалан, авлиёлар ҳақидаги афсоналарда кўпроқ шу мотив учрайди. Баъзи афсоналарда фантастик характерга эга мифологик персонажлар иштирок этади. Ҳайвонлар, ўсимликлар жонлантирилади. Ҳайвонларнинг антроморф образлари акс эттирилади. Масалан, «Гавмард» афсонасидаги инсон-буқа образи бунга мисол бўлади. Бу образнинг келиб чиқиши, тарихий-мифологик илдизлари, бадий талқини хусусида М.Жўраевнинг «Гавмард» афсонасининг «Авесто»даги илдизлари» мақоласида қизиқарли илмий маълумотлар бериб ўтилган<sup>7</sup>.

Е.М.Мелетинский «Миф эртакка трансформация бўлган» деб ҳисоблайди. Бизнингча, миф ва эртак ўртасида афсона туради. Чунки эртак, миф, афсона каби ҳар учала эпик жанрда ҳам, аввало, сеҳр-жоду кучли бўлади. Иккинчидан, афсонанинг кўпгина мотивлари эртакларда учрайди. Учинчидан, афсоналарнинг шаклан ихчам бўлиши ва кўпинча информатив характер касб этиши унинг мифга яқин эканлигини кўрсатиб туради.

Афсоналарда саргузашт ва муболағали тасвирга алоҳида ўрин берилдики, шу жиҳатига кўра улар эртакларга ўхшаб қолади. Бироқ афсоналар эртакларга қараганда ҳажман кичикроқ ва ихчамроқ бўлади.

Мўъжизавийликнинг талқини жиҳатидан айрим афсоналар шакли ва услубига кўра сеҳрли («Аждаҳога айланган болалар», «Аждарҳо кўзлари», «Чўпон билан пари», «Девқалъа»), ҳайвонлар ҳақидаги «Оқ туянинг йўли»,

<sup>7</sup>Жўраев М. «Гавмард» афсонасининг «Авесто»даги илдизлари / Жўраев М., Саидова Р. Бухоро афсоналари. –Тошкент: Халқ мероси нашриёти, 2002. – Б. 28-38.

«Сўфитўрғай», «Ҳазрати Хўжаи Булбул») ҳамда маиший эртақларга («Очкўз бой», «Гулдурсун») ўхшаб кетади. Бу шуни кўрсатадики, афсона ва ривоятлар эртақларнинг тараққиётига асос бўлган. Эртақлар улар замирида шаклланиб, тараққий топган.

Ю.М. Соколов, В.И. Чичерин эртақларнинг бир турини эртақ-афсона деб бежиз кўрсатмайди. Чунки уларнинг сюжети бутунлай афсонавий мотивлардан ташкил топади. Уларда халқ эртақларига хос анъанавий образлар (Кенжа ўғил, аждарҳо, дев, пари, сеҳрли пичоқ ва ғаройиб шамшир), эпик услубий бирликлар (йўл юрибдилар, йўл юрсалар ҳам мўл юрибдилар), эпик мотивлар (эврилиш, синов ва х.к. сингари) учраши кузатилади. Бундай афсоналар ўзининг сюжет қурилиши, образлар ва мотивлар таркибига кўра сеҳрли эртақларга ўхшаб кетади. Чунки афсоналардаги аксарият мотивлар эртақлар сюжетида янада кенгайтириб, тўлдирилиб, бадиий сайқаллантирилиб ифодаланганлигини кузатиш мумкин.

Афсоналар эртақлар каби махсус бошланма ва тугалланмага эга эмас. Шунингдек, ҳамма афсона ҳам эртақлар каби яхшилик билан тугайвермайди.

Афсонанинг пайдо бўлиши ва ривожланишида ривоятнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Н.Ҳотамов ва Б.Саримсоқов афсоналар, кўпинча ривоятлар асосида юзага келади, дейдилар. Уларнинг фикрича, бунда ривоятдаги конкрет тарихий элементлар йўқолиб, уларнинг ўрнини хаёлий уйдирмалар эгаллаб бориш жараёни кечади<sup>8</sup>.

Дарҳақиқат, ривоят пайдо бўлиб, вақт ўтиши билан тарихий далил ва фактлар унутилиши ёки ўзгаришга учраши натижасида ҳаёт ҳақиқатига уйдирма аралашishi табиий. Аммо У.Жуманазаровнинг фикрича, ривоят афсонага айланса ҳам, бироқ афсона ривоятга айланмайди<sup>9</sup>.

Ривоят ва афсоналар мазмуний йўналиши, шакли, ижро тартиби жиҳатидан жуда ўхшашдир. Шунинг учун уларни ҳаётий қамрови, шакли, ижро хусусиятига кўра бир-биридан фарқлаш қийин. Уларнингҳар иккаласида ҳам ўтмишда бўлиб ўтган эпизодик воқеалар, у ёки бу жойларнинг номларини изоҳлаш ёхуд улкан шахслар ҳаётидан муайян воқеалар тўғрисида хабар бериш мақсадида ҳикоя қилинади. Фақат афсона ва ривоят ўзаро бадиий ифода усули билангина фарқланиб туради. Лекин У.Жуманазаров: «Афсона ва ривоят жанрлари поэтик системасининг яхлитлиги жиҳатидан фарқланмайди», – деб ёзади<sup>10</sup>. Аммо образлар, мотивлар силсиласи жанрлар тизимининг таркибини ташкил қилиши эътиборга олинса, юқоридаги фикрга эътироз пайдо бўлиши табиий.

Афсоналар халқ насрининг реал воқеликни хаёлий уйдирмалар асосида ифода этувчи ўзига хос кўриниши бўлса, ривоятлар воқеликни ҳаётий уйдирмалар асосида баён этувчи мустақил жанридир.

Ўзбек фольклоршунослигида афсона ва ривоят жанрларига оид фольклор асарларини нашрга тайёрлаб, оммага етказиш ишларида олинган

<sup>8</sup>Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 159.

<sup>9</sup>Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 171-179.

<sup>10</sup>Жуманазаров У. Ўша муаллиф.

асарнинг қайси жанрга мансублигини белгилашда шу кунгача баъзи камчиликларга йўл қўйилган. Айрим тўпламларда ўзбек фольклорининг бу иккала мустақил эпик жанрларига оид матнлар кўпинча чалкаштириб юборилган. Жумладан, айрим фольклор асарлари тўпламларида афсона деб кўрсатилган асарлар аслида бу жанрга мансуб эмаслиги, балки ривоят жанрига мансублиги кузатилади. Масалан, «Жаҳон халқлари эртақлари» сериясидаги ўн жилдликнинг учинчи жилдида чоп этилган «Ўзбек халқ асотирлари» китобида келтирилган «Бобурқалъа афсонаси», «Ёнғоқ дарахти ҳақидаги афсона», «Ўш ҳақида афсона», «Андижон ҳақида афсона» асарлари гарчи афсона деб юритилаётган бўлса-да, улар афсона жанри табиатига хос хусусиятларни ўзида ифода этмайди.

Афсона билан ривоятлар ўртасидаги фарқ уларнинг бошланишида ҳам кузатилади. Жумладан, афсона айтувчилар ўз ҳикояларини кўпинча «афсона қилишларича», «айтишларича», «ҳикоя қилишларича» каби сўзлар билан бошласалар, ривоят айтувчилар эса «ривоят қилишларича», «ровийларнинг айтишича», «ривоятларга қараганда» деб бошлайдилар.

Баъзан афсона ва нақл жанрига хос хусусиятлар аралаштириб юборилганлиги кузатилади. Афсоналар билан нақлларнинг баъзида қориштириб юборилишига, бизнингча, қуйидагилар сабаб бўлади: *Биринчидан*, нақл ҳам, афсона ҳам бесабаб айтилмайди. Нақл муҳокамага сабаб бўлган бирор воқеа ёки ҳодисани тасдиқлаш учун айтилса, афсоналар уни изоҳлаш учун айтилади. *Иккинчидан*, нақл ўғит бериш вазифасини бажарса, афсона ахборот бериш вазифасини бажаради. *Учинчидан*, нақл мазмуни ибратомуз бўлса, афсона хабар-дарак мазмунида бўлади. *Тўртинчидан*, нақллардаги образлар рамзий ва мажозий хусусият касб этса, афсоналардаги образлар ҳаёлий уйдирмага асосланганлиги ёки реаллиги билан фарқ қилади. *Бешинчидан*, нақлларнинг сўнгида, яъни хулоса қисмида, албатта, қиссадан ҳисса берилади. *Олтинчидан*, нақл ва афсоналарнинг сюжети содда ва қисқа бўлади. Ҳар иккаласида воқеалар ахборот шаклида баён этилади. Шунингдек, уларда образ ва тушунчаларни бир-бирига зид қўйиш усули етакчилик қилади. Бироқ нақллар афсоналардан кейин шаклланганлигига шубҳа йўқ. Чунки нақллар шакл ва мазмунига кўра иккига – синкретик ва соф нақлларга бўлинади.<sup>11</sup> Синкретик нақлларнинг айримлари эса афсоналар билан муносабатда, уларнинг таъсирида юзага келганлиги кузатилади. Шунинг учун бундай нақлларда афсонага хос айрим хусусиятлар кўзга ташланади. Энг муҳими уларда сюжет воқелиги ҳаёлий уйдирмага асосланади.

Алишер Навоий асарларида афсона, эртақ, нақл атамалари ўрнида биттагина чўрчак сўзи ишлатилган. Бу шуни билдирадики, афсона, эртақ, нақл жанрлари орасига чегара қўйиш масаласи анча кеч ҳал қилинган.

Биринчи бобнинг учинчи фасли «*Афсоналарда ҳаёлий уйдирманинг ўрни, қўлами ва вазифаси*» деб номланади. Бу фаслда афсоналарда ҳаёлий уйдирманинг тутган ўрни, қўлами ва бадий вазифаси, уларда ҳаёт воқелигининг уйдирмали талқинига асос бўлган омиллар, эпик қонуниятлар

<sup>11</sup>Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 183.



ўрганилди. Чунки афсоналар поэтикасида хаёлий уйдирма сюжет воқеаларининг тилсим билан боғланишини таъминловчи муҳим омилдир. Гаройиб воқеа-ҳодисалар баёни эса афсона таъсирчанлигини орттириб, тингловчида кучли бадиий завқ уйғотади. Афсоналарда хаёлий уйдирма нафақат воқеаларнинг шиддатини, балки қаҳрамонлик характерини ҳам белгилашга хизмат қилади. Афсоналар гарчи хаёлий уйдирмага асосланса-да, уларда хаётий-маиший деталлар, мотивлар ҳам ўзига хос ўрин тутаяди.

Афсоналарда воқеалар тафсилоти хаёлий уйдирма асосида ўта муболағали ва фантастик қобикда талқин қилинади. Уйдирма афсонанинг бошида, ўртасида, сюжет ечимида келади.

«Афсоналарнинг образлар тизими ва таркиби» деб номланган ишнинг иккинчи боби ҳам уч фаслдан иборат. Унинг «**Афсоналарда мифологик образлар талқинига хос хусусиятлар**» деб номланган биринчи фаслида ўзбек халқ афсоналарида учрайдиган мифологик тимсоллар аниқланиб, уларнинг бадиий талқинига хос хусусиятлар ҳақида фикр юритилган. Бунда мифологик образ билан инсон персонажнинг ёнма-ён келтирилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Кузатишларимиз афсоналарнинг образлар таркибини қуйидагича таснифлашга имкон беради:

1. Мифологик образлар: а) демонологик образлар: аждар, дев, пари, ажина, алвасти, жин ва ҳ.к.; б) ҳомий культлар образи: Хизр, Хубби каби.

2. Осмон ёритгичлари образи: Юлдуз, Қуёш, Ой...

3. Сеҳрли предметлар образи: тилсимланган пичоқ, сеҳрли олма, сеҳрли таёқ ёки ҳасса, сеҳрли нарвон каби.

4. Ўсимликлар ва дарахтлар образи: жийда, чинор, гужум, тол, терак, тут, арча, ёнғоқ...

5. Ҳайвонлар образи: туя, бўри, ит, хўкиз, илон ва ҳоказо...

6. Қушлар образи: Анқо қуш, Семурғ, Хумо, бойўғли, сўфитўрғай, каптар, қалдирғоч, қарға, олашақшақ, булбул...

7. Тарихий образлар: «Абомуслимтепа» афсонасидаги Абомуслим, «Шоҳи Зинда» афсонасидаги Қусам ибн Аббос, Ибн Сино, Амир Темур ва бошқалар.

8. Реал хаётий образлар: подшо, чўпон, дехқон, кампир, чол, боғбон, савдогар, бой, бахши, бола ва ҳ.к.

Мифологик қарашлар, асотирий образлар афсона жанри бадиий тизимида ўзига хос алоҳида ўрин тутаяди. Афсоналарда энг кўп қўлланадиган асотирий образлардан бири **самовийлар образлардир**. Самовий афсоналарда, асосан, Кун, Ой, Юлдузлар образи шахслантириш орқали бадиий талқин қилиниши уларга хос муҳим хусусият сифатида гавдаланади.

Самовий афсоналар самовий мифлар асосида келиб чиққан. Уларнинг юзага келиши ва бадиий ривожланишида қадимги аждодларимизнинг самовий тасаввурлари асос бўлган. Бу ҳақда таниқли фольклоршунос М.Жўраев ҳақли равишда: «Самовий қарашлар асосида яратилган мифлар даврлар ўтиши билан афсоналарга айланди» – деб ёзади<sup>12</sup>.

Афсоналарда мифологик образлар иштироки унинг жанрий табиатини белгиловчи муҳим хусусиятлардан биридир. Ўзбек фольклорида «Пари

<sup>12</sup>Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 9.

билан дев», «Девсолган», «Девқалъа», «Жин ўти», «Аждар кўзлари» каби бир қатор афсоналар учрайдики, улар сюжетида инсон персонаж учрамадлиги билан алоҳида эътиборни тортади. Маълумки, ўзбек фольклори намуналарида учрайдиган дев, аждар, Семурғ, пари, жин, алвасти, ажина каби образлар, одатда, афсонавий образлар сифатида эътироф қилинади. Улар афсоналарда худди инсонлар каби ҳаракатда кўрсатилади.

Афсоналарда учрайдиган мифологик персонажларни асар сюжет қурилишида бажарадиган вазифасига кўра икки типга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) Асосий қаҳрамонга ҳомийлик қилувчи, яъни ёрдам берувчи мифологик персонажлар. Бунга Хизр, чилтон, Жаброил, Ҳубби сингари мифологик образлар мисол бўла олади. Улар афсоналарда ҳомийлик қилувчи, йўл кўрсатувчи, маслаҳат берувчи, сеҳрли нарсаларни ҳадя этувчи, оғир аҳволда қолганларни қутқарувчи, булоқларнинг сувини равон қилувчи ғаройиб персонажлар сифатида гавадлантирилади.

2) Асосий қаҳрамонга рақиб сифатида ҳаракат қилувчи мифологик персонажлар. Бунга дев, аждаҳо, пари, жин, ажина, алвасти, яъжуж-маъжуж каби бир қатор мифологик образлар мисол бўла олади. Улар кўпинча асосий қаҳрамонга душманлик қилиб, унинг ўз мақсадига эришишига тўсқинлик қилмоқчи бўлади. Керакли нарсани ўғирлаб, қаҳрамонни безовта қилиш ёки унга касаллик, ўлим, ёмонлик келтиришга интилиш, сув йўлларини беркитиб, қурғоқчилик юз беришига сабаб бўлиши ва ҳоказо қабилар мифологик образларнинг хатти-ҳаракатида намоён бўлади.

**Хизр**ўзбек халқ тарихий афсоналарида қаҳрамоннинг ҳомий куч сифатида фаолият кўрсатувчи асосий мифологик образлардан бири ҳисобланади. Бу мифик персонаж тарихий афсоналарда қуйидаги эпик вазифаларни бажаради:

1) Қаҳрамонга исм қўйиш; 2) Қаҳрамонга сафарида ҳамроҳ бўлиш; 3) Қаҳрамон билан илоҳий кучлар ўртасида воситачилик қилиш; 4) Хизрнинг қаҳрамонга устозлик қилиши; 5) Қаҳрамоннинг Хизр билан ҳамсухбат бўлиши; 6) Жой номининг келиб чиқишига Хизр сабабчи бўлиши; 7) Яна бир афсонада Хизр берган оқ олма билан Хожа Юсуфнинг осонгина жон таслим қилиб, у дунё роҳатига эришганлиги ҳикоя қилинади.

Афсоналарда одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қарашлар ҳам алоҳида ўрин тутаяди. «**Каюмарс**» шундай мазмундаги афсоналардан биридир. Аслида мифологик қаҳрамон бўлган Каюмарс тимсоли афсоналарда **илк одам образи**да талқин қилинади. Каюмарс (аслида Гавомард) «Авесто»да тасвирланган илк одамнинг номидир.

Қадимги миф ва афсоналарда одамнинг илк авлодлари улкан кўринишга эга бўлганлиги талқин қилинади<sup>13</sup>. Шунинг учун афсоналарда **улкан одам образи** талқини алоҳида кўзга ташланади. Амударё ҳомийси Ҳубби, Ҳўжимадўлиқ, Ҳожи мулк қабилар шулар жумласидандир.

<sup>13</sup>Боболардан қолган нақллар. (Афсона, ривоят, ирим-сирим ва халқ тақвими). Тўплаб, нашрга тайёрловчилар, сўз боши ва изоҳлар муаллифи: М.Жўраев, У.Сатторов. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 9-22.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли «*Афсоналарда тотемизм ва фетишизмга алоқадор тушунчаларнинг образлантирилиши*» деб номланади. Бу фаслда ўзбек халқ афсоналарида тотемизм ва фетишизмга алоқадор тушунчаларнинг образлантирилиши, шу асосда афсоналарда учрайдиган ҳайвонлар, қушлар, паррандалар, ҳашаротлар, предметлар образи аниқланиб, уларнинг генезиси ва бадиий талқини билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр юритилди.

Ўзбек халқ афсоналарида **учар от, оқ туя** каби *заройиб ҳайвонлар образи* алоҳида ўрин тутади. Аслида инсонга турмушда кўмакдош бўлган бу жониворларга нисбатан эътиқодни ошириш мақсадида, афсоналарда уларнинг тимсоли ҳаёлий уйдирма асосида муқаддаслаштирилади, мўъжизавий ва илоҳий қилиб кўрсатилади.

*Учар от, заройиб туя, хўкиз, илон образлари*, асосан, топонимик афсоналарда учрайди.

Афсоналарда **дарахтлар образи** ҳам алоҳида ўрин тутади. Халқ орасида ёнғоқ, жийда, анжир, тут, чинор, терак, арча дарахтлари ҳақида айтилган афсоналар кенг тарқалган. Уларда, асосан, шу дарахтларнинг келиб чиқиши, ўзига хос афсонавий хислати тўғрисида эпик хабар берилади.

Халқимизнинг мифологик тасаввурлари орасида ҳаёлий ва ҳаётий қушлар билан боғлиқ эътиқодий инончлар алоҳида ўрин тутади. Тотемистик ва анимистик қарашларнинг изчил ривожини натижасида Ўрта Осиё халқлари орасида қуш култига ишонч шаклланган. Шу қарашлар замирида айрим қушларни муқаддаслаштириш кўзга ташланади. Ўзбеклар орасида *Семурғ, Анқо, Хумо сингари мифологик ва лайлак, бойўғли, олашақшақ, қалдирғоч, гўнғарга, сўфитўрғай, булбул* каби *ҳаётий қушлар ҳақида халқ қарашлари асосида яратилган афсоналар сақланиб келаётир*. Уларда кўпинча айрим қушларнинг дастлаб инсон бўлганлиги, кейинчалик маълум бир воқеа туфайли қушга айланиб қолганлиги ҳикоя қилинади. Жумладан, «Булбул билан Тўрғай», «Бойўғли» афсоналарининг сюжети бунга мисолдир.

«Қалдирғоч ҳиммати» афсонасида **қалдирғоч**нинг инсонни илонга етказишдан сақлаб қолганлиги ҳақида ҳикоя қилинади ва шу афсона орқали қалдирғочнинг одамзодга дўстлиги, яқинлиги таъкидланади.

Баъзи афсоналарда **паррандалар образи** ҳам афсонавийлаштирилган. Жумладан, «Каюмарс» ҳақидаги афсоналардан бирида қушлар билан бир каторда **хўроз** образи ҳам эпиклаштирилганлигини кузатиш мумкин.

Айрим афсоналар сюжетида **ҳашоратлар образи** талқин қилинганлигини кузатиш мумкин. Бунга «Донишманд чумоли» афсонасини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Халқ **капалак**ни ҳам афсонавийлаштиради. Шунинг учун ўзбек халқ афсоналарида **капалак образи** ҳам алоҳида ўрин тутади. Халқимиз капалакни кўпинча арвоҳга тенглаштиради. Шу боисдан халқ орасида капалаклар ҳақида яратилган афсоналарда бир вақтлар унинг инсон бўлганлиги ва муайян сабабга кўра капалакка айланиб қолганлиги ҳикоя қилинади.

«Капалаклар» афсонасида саксон йигитнинг капалакка эврилиши мотиви халқнинг капалак-арвоҳ ҳақидаги қарашларини тасдиқлайди.

Афсоналарда **сеҳрли предметлар образи** ҳам учрайди. Бунга сюжетида тилсимли китоб, пичоқ, ҳасса, сеҳрли қилич, узук, ғаройиб нарвон образлари иштирок этган афсоналарни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Масалан, «Сулаймоннинг узуги» афсонасида сеҳрли узук образи қатнашган.

Пайғамбар ва азиз авлиёлар образи тасвирланган афсоналар сюжетида **ҳасса образи** алоҳида ўрин тутаяди. У кўпинча қуриган дарахтдан қилинган ҳассанинг қайта тирилиб дарахтга айланиши, бирор ҳудудга сув келтириш, душманни ҳайдаш мотивларида фаол иштирок этади. Авлиё ёки пайғамбар ўз магик кучини ҳасса воситасида кўрсатиб беради. Афсоналарда ҳасса тўрт хил вазифада бадиий талқин қилинади: 1) Топонимик афсоналарда **ҳасса воситасида ғаройиб чашма ёки қудуқ очилади** ва албатта, у шифобахш бўлади. Бунга «**Полвон отанинг ҳассаси**» афсонасининг сюжетини мисол қилиб келтириш мумкин. 2) **Ҳасса бирор ожиз зотга зарар етказётган ёвуз кучни уриб ҳайдаш вазифасини** бажаради. Бу мотив «Пири дастгир» афсонаси сюжетида учрайди. Унда Ғавсул Аъзам (Пири дастгир) аёлни қароқчи ҳужумидан ҳассаси ёрдамида қутқаради. 3) **Ҳассадан пайдо бўлган дарахт инсонларни қўллаб-қувватловчи, дардини тингловчи воситасида** талқин қилинди. Бунга ҳозирги пайтда бухоролик машҳур авлиё Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида қўйилган катта дарахт танаси ҳақида айтиладиган афсона сюжети мисол бўла олади. 4) «Нўғайота» афсонасида **эпик қаҳрамоннинг сеҳрли таёқ воситасида кимсасиз чўлга бориб қолиши** ва уни ерга суққанда ундан чинор униб чиқиши ҳақида қилинган.

«Ойнатош», «Қўйтош», «Нурли тош тушган жой» каби бир қатор афсоналарда **сеҳрли тош** образи алоҳида ўрин тутаяди. Унинг келиб чиқиши халқнинг фетишистик қарашларига бориб тақалади. «Ойнатош» афсонасида «**тилсим ойна**» образи ҳам учрайди<sup>14</sup>.

Хуллас, афсоналарда қадимги инсонларнинг ҳайвонот ва наботот оламига муносабати, тотемизмга инончи, фетишизмга эътиқоди у ёки бу образ мисолида сақланиб қолган.

Иккинчи бобнинг учинчи фасли «**Афсоналарда реал образлар, тарихий шахслар тимсолининг бадиий талқини**» деб номланади. Бу фаслда афсоналарда реал ҳамда тарихий шахслар, айниқса, пайғамбарлар, авлиёлар, табиблар, машҳур ҳукмдор ва саркардалар образининг эпик талқинига ҳос хусусиятлар тадқиқ қилинди. Бунда тарихий шахслар тимсолининг муҳолафа санъати, эпик уйдирма воситасида афсонавийлаштирилиши йўллари аниқланди.

Афсоналарда подшо, чўпон, деҳқон, кампир, чол, боғбон, савдогар, бой каби реал образлар ҳам фаол иштирок этади ва ўзига ҳос бадиий талқин қилинади. Шунингдек, афсоналарда айрим машҳур тарихий шахсларнинг образи ҳам эпик талқин қилинганлиги кузатилади.

---

<sup>14</sup>Ипак йўли афсоналари, 66-бет.

Ўзбек халқ афсоналарида энг кўп учрайдиган анъанавий образлардан бири **чўпон образидир**. У кўпинча ростгўй, ҳалол, мард, кўркмас, доно, виждонли, садоқатли қиёфаларда талқин қилинади. Афсона сюжетида чўпон ё бош қахрамон, ё эпизодик персонаж сифатида келади ва ўзига хос ҳар хил бадиий вазифа бажаради. Афсоналарда чўпон образи халқнинг халоскори, доно ва уддабурон, топқир шахс қиёфасида гавдалантирилади ҳамда чўпон образининг инсонийлик хусусиятларини бўрттириш, халқ манфаатлари, орзу-истаклари учун курашини бадиий тасвирлаш туфайли чўпон идеал қахрамон даражасига кўтарилади. Табиийки, халқ орасида шаклланган чўпон билан боғлиқ эътиқодий қарашлар у ҳақда бир қатор афсоналар яратилишига замин бўлган. Чўпон образи афсоналарда магик куч-қудратга эга тимсол сифатида уйдирмалаштириб акс эттирилганлиги кузатилади. Бунга Чўпон ота, Занги ота каби машҳур номлар билан боғлиқ тарихий ва топонимик афсоналар сюжети мисол бўлади. Чўпон образини идеаллаштириш аста-секин афсоналардан ривоят ва эртакларга ҳам кўчган. Бу ўринда «Широк», «Навоий ва чўпон» каби ривоятларнинг, «Донишманд чўпон», «Подачининг кизи», «Чўпон Али», «Мукбил тошотар» каби бир қатор ўзбек халқ эртакларининг сюжетини эслаш кифоя.

**Тарихий шахслар** иштирок этган афсоналар уч хил бўлади: а) пайғамбарлар ва азиз авлиёлар образи тасвирланган афсоналар («Ҳазрати Довут ғори», «Нуҳ алайҳиссалом афсонаси», «Пайғамбарлар ороли», «Чўпсолди бува», «Шоҳимардон мозори» сингари); б) бирор ҳукмдор ёки лашкарбоши образи акс эттирилган афсоналар (Искандар Зулқарнайн ҳақидаги афсоналар, «Амир Темур ғори» афсонаси); в) машҳур табиблар образи акс эттирилган афсоналар (Луқмони Ҳаким, Ибн Сино номи билан боғлиқ афсоналар бунга мисол бўлади).

Оғзаки ва ёзма асарларда пайғамбарлар ва азиз авлиёлар образини ёритиш ўзига хос анъаналарга эга. Бадиий асарларда пайғамбарлар образи орқали халқнинг ҳар томонлама баркамол инсон ҳақидаги қарашлари баён этилади. Халқ орасида пайғамбарлар ва азиз авлиёлар ҳақида яратилган бир талай афсоналар мавжуд. Бу афсоналарда пайғамбарлар ва азиз авлиёлар гарчи тарихий шахс бўлса-да, уларнинг реал биографияси эмас, тўқима биографияси очиб берилади. Пайғамбарлар ва азиз авлиёлар образи оддий инсонлардан фарқли тарзда магик куч-қудратга, бетимсол ақл-заковатга эга кўринишда тасвирланади.

Аслида пайғамбарлар, азиз авлиёлар мўъжизалари талқин қилинган асарлар афсона дейилса-да, уларда кўпроқ ривоятга яқин хусусиятлар учрайди. Чунки афсона деганда кўпинча хаёлий уйдирма, ҳаётда чиндан бўлмаган нарсага ишонч тушунилади. Аммо пайғамбар ва азиз авлиёлар, тарихий шахслар ҳаётда чиндан яшаб ўтганлиги хаёлий уйдирма эмас. Фақатгина уларнинг мўъжизаларини таъкидлаш, характер-хусусиятларини бўрттириш учун уйдирмадан фойдаланилади.

**Ўзбек халқ афсоналарида табиблар образи** ҳам алоҳида меҳр ва кўтаринкилик билан талқин қилинган. **Луқмони Ҳаким** ҳамда дунё тиб

илмининг асосчиси *Абу Али ибн Сино* ҳақида ўзбек ва тожик фольклорида жуда кўплаб ривоят ва афсоналар яратилган<sup>15</sup>. Бундай афсоналарда инсонларнинг узоқ умр кўриш, мангу ҳаётга эришиш борасидаги орзу-истаклари ўз бадий ифодасини топган.

Ўзбек халқ афсоналари орасида **буюк саркарда, шох, соҳибқирон Амир Темур образи** иштирокида жуда кўп афсоналар яратилган. Уларда соҳибқироннинг олиб борган ободончилик ва яратувчилик ишлари эпик талқин қилинган.

Ўзбек тарихий афсоналарининг бир қисмида бахши ва шоирлар образи учрайди. Уларда бирор-бир таниқли бахши ёки шоирнинг биографияси ҳаёлий уйдирма асосида ҳикоя қилинганлиги кузатилади. Чунки бахшилар ўз касбини сир тутиб, кўпинча уни афсонавийлаштириш орқали илоҳийлаштиришга ҳаракат қиладилар. Бу ҳақдаги афсоналарда бахшичилик бахшига гўё ғойибдан берилган илоҳий неъмат сифатида талқин қилинади. Ўзбек фольклорида Қамбар бобо куйчилар, бахшилар ва шоирлар пири, жуда моҳир созанда сифатида талқин қилинади.

Халқ ўртасида буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ва Бобур ҳақида ҳам анчагина ривоят ва афсоналар кенг тарқалган. Уларда бу улкан файласуф шоирларнинг характер-хислатлари, ўз таҳаллусларини қандай олганликлари баён этилади. «Алишер билан булбул» афсонасида улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий булбул тилини тушунадиган инсон сифатида афсонавийлаштирилган.

Диссертациянинг учинчи боби **«Афсоналарга хос анъанавий эпик мотивларнинг мавзу типлари ва уларнинг бадий талқини»** деб номланади. Унинг **«Афсоналар сюжетиинг етакчи мотивлари ва уларнинг генезиси»** деб сарлавҳаланган биринчи фаслида афсоналар сюжетиинг етакчи анъанавий эпик мотивлари аниқланиб, мавзуй турларга ажратилган ва уларнинг генезиси тадқиқ қилинган.

Рус фольклоршуноси В.Я.Пропп эртақлар поэтикасини махсус ўрганар экан, аввало, асосий диққатини улардаги мотивлар тадқиқига қаратади. Шунинг учун биз ҳам афсоналар поэтикасини махсус тадқиқ қилар эканмиз, асосий диққатимизни ундаги мотивларнинг ҳамда анъанавий образларнинг тузилиши ва талқини, бадий-эстетик ва композицион вазифасига қаратишни маъқул топдик. Чунки афсоналар сюжети ҳам ўзига хос анъанавий эпик мотивлар туркумидан ташкил топган ва ундаги ҳар бир мотив эстетик жиҳатдан ё таърифловчи, ё тушунтирувчи вазифа бажаради.

Афсоналарнинг анъанавий мотивлар таркибини бадий вазифаларига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин: 1. Қаҳрамоннинг тутинган фарзанд ёки шогирд бўлиши. («Жамилжон», «Амир Темур ғори» афсоналари). 2. Афсоналарда бадий образ билан боғлиқ мотивлар табиат култига (сув, олов, қуш ва жониворларга) сиғиниш анъанасини ўзида ифода этади. Масалан, одамнинг дарахтга, қушга эврилиши. Жоннинг дарахт билан

---

<sup>15</sup>Мирзаев А. Ҳикоятҳо оид ба Ибни Сино ва шахсияти. – Душанбе: Нашрдавточик, 1953; Ирисов А. Абу Али ибн Сино. – Тошкент, 1960; Муродов М. Алломалар ибрати. – Тошкент, 1982; Сарчашмадан томчилар. – Тошкент, 1984 ва бошқалар.

боғлиқлиги бунга мисол бўлади. 3. Болаларни адаштириб келиш. Масалан, «Аждарҳо болалар» афсонасида тимсимланган пичоқ билан қовун кесиб ейиши натижасида аждаҳога айланиб бораётган болаларини ота ўз қўли билан ғорга қўйиб келади. 4. Ғаройиб отга эга бўлиш. («Ҳазорасп», «Дулдул ўтлаган» афсоналари). 5. Эпик ҳомийларга эга бўлиш. Бунда эпик ҳомийлар ё оқ соқолли нуроний чол («Нурота» афсонасида Хўжаи Хизр образи) ёки нуроний онахон, момо («Биби Сешанба» афсонасидаги Сешанба биби образи) кўринишида талқин қилинади. 6. Эврилиш мотиви. 7. Туш мотиви. 8. Ошиқлик мотиви. Бу мотив афсоналарда уч хил кўринишда: а) инсоннинг инсонга ошиқлиги («Терак» афсонаси мисолида); б) демонологик персонажларнинг инсонга ошиқлиги («Чўпон ва пари» афсонаси мисолида); в) демонологик персонажларнинг ўзаро ошиқлиги тарзида учрайди («Пари ва дев» афсонаси мисолида). Эътиборли томони шундаки, девларнинг париларга ошиқ бўлиши мотиви эртак ва достонларда ҳам қўлланган. 9. Анимистик ва тотемистик мифологик мотивлар. Булар афсоналарнинг анъанавий мотивларидир.

Афсоналарда: а) олов култи; б) сув култи; в) қуш култи; г) ўсимлик култи билан боғлиқ қарашларнинг ифодаси ҳам алоҳида ўрин тутади.

Асар қаҳрамонларининг ўз қиёфасини ўзгартириши, бир кўринишдан бошқа кўринишга айланишини ифода этувчи **эврилиш мотиви** афсоналарда алоҳида ўринга эга. У, одатда, икки сабаб билан юз бериши бадиий акс эттирилади. Биринчиси, асар қаҳрамонининг қарғиш олиши туфайли бошқа қиёфага айланиб қолиши. Иккинчиси, асар қаҳрамонининг ўз-ўзига афсундуо ўқиши орқали кўринишини ўзгартириши. Афсоналарда эврилиш ходисаси куйидаги йўналишларда юз беради: 1) Инсоннинг ёш жиҳатдан ўзгариши, яъни ёш одамнинг бир зумда кексайиб қолиши ёхуд аксинча, қари кишининг кўз юмиб очгунча яшариши. 2) Инсоннинг ўз ташқи кўринишини бир зумда ўзгартириши. 3) Инсоннинг жониворлар ёки қушлар қиёфасига айланиб қолиши.

Афсоналарнинг мотивлар структурасида хабар мотиви асосий ўрин эгаллайди. У афсона бадиий-композициясининг асосини ташкил этади. Хабар мотиви афсонанинг ё бошланишида, ё охирида келади. Афсонанинг бошланишида келтирилган хабар унинг сюжети давомида ҳикоя қилинадиган кейинги воқеалар учун йўл очади, воқеалар ривожини бир қолипга солади. Баъзан хабар мотиви афсона тугунини ташкил этади. Унда воқелик баёни бевосита хабар мотиви билан бошланади.

Афсоналарда анъанавий **синов мотиви** ҳам учрайди. Баъзи афсоналарда бу мотив бутунлай асарнинг мавзуй йўналишини белгилаб берса, баъзи афсоналарда у қўшимча мотив кўринишида иштирок этганлиги кузатилади. Жумладан, «Жайхун» афсонаси<sup>16</sup> сюжети, асосан, синов мотиви асосига қурилган.

«Ширин қиз», «Ой билан Ширин» афсоналарида **хусндан мақтаниш мотиви** учрайди.

<sup>16</sup>Ипак йўли афсоналари, 23-бет.

**Ўғайлик ва камситилган кишилар ҳақидаги афсоналар** ҳам бор. Уларда феодал муносабатларнинг характерли белгилари, кишининг киши томонидан хўрланиши очиб берилади. Бундай афсоналарда, асосан, етим қиз ва ўғай она, халоскор ошиқ ҳақида ҳикоя қилинади. Жумладан, «Райҳон ва Шабада», «Оймома билан Зумрад» афсоналари сюжети шу мотив асосига қурилганлиги билан эътиборни тортади.

**Афсоналарда жазо бериш ва жазолаш мотиви ҳам учрайди.** Бу мотивдаги афсоналарда кимки ёки нимаики инсонга озор етказса, ёмонлик қилса, албатта, жазоланиши очиб берилади. Шунинг учун бу мотивдаги афсоналарнинг таълимий ва тарбиявий моҳияти алоҳида бўртиб туради.

**Кесилган бошнинг думалаб кетиши мотиви,** асосан, топонимик афсоналарда қўлланилади. «Қувкалла» афсонаси тўла-тўқис шу анъанавий мотив асосига қурилганлиги билан эътиборни тортади.

**Қаҳрамоннинг сандиққа солиб сувга оқизилиши мотиви** генелогик ва топонимик афсоналарда кўп қўлланган. Масалан, «Лақай» уруғининг келиб чиқиши ҳақидаги афсонада кўпикдан ғайритабiiй ҳомиладор бўлган малика билан вазирнинг қизини сандиққа солиб, дарёга оқизиб юбордилар. Қаҳрамоннинг сандиққа солиб сувга оқизилиши мотиви «Пайғамбар ороли» топонимик афсонасида ҳам учрайди.

Баъзи афсоналар сюжетида давлат қуши учирини орқали юрт ҳукмдорини аниқлаш, от танлаш, тулпор отни аниқлаш, яъни синчилик, бирор мураккаб шартни адо этиш учун қирқ кунлик муҳлат белгилаш сингари анъанавий мотивлар ҳам учрайди.

Хуллас, ўзбек халқ афсоналарининг мотивлар таркиби кўп қатламлик касб этади.

Учинчи бобнинг *«Афсоналарда анъанавий эпик мотивларнинг ўзаро мантиқий уйғунликда талқин этилишини таъминловчи омиллар»* деб номланган иккинчи фаслида афсоналарда анъанавий эпик мотивларнинг ўзаро мантиқий уйғунликда талқин этилишини таъминловчи омиллар мисоллар асосида текширилди.

Б.Н.Путилов эпик мотивларни мавзуси ва вазифасига кўра мотив-вазият, мотив-нутқ, мотив-ҳаракат, мотив-тасвир, мотив-тавсифнома каби типларга ажратади. Афсоналарнинг мотив структураси ҳам шу эпик мотивлардан ташкил топганлиги кузатилади. Шунинг учун уларнинг мотив структураси серкатлам ҳисобланади.

Афсоналарда анъанавий эпик мотивларнинг ўзаро мантиқий уйғунликда талқин этилишини таъминловчи омиллардан энг муҳими унинг уйдирмага асосланган бадий қурилишидир. Афсоналардаги мотивлар уларнинг мавзу йўналишига қараб анъанавийлик касб этади. Шунинг учун топонимик афсоналарда учрайдиган мотивлар баъзан тарихий афсоналарда учрайвермайди.

Афсоналарда анъанавий **сеҳрли рақамлар** ҳам алоҳида ўрин тутаяди. Улар орқали эпик вақт ёки эпик макон белгилаб кўрсатилади. Ҳатто эртақлардаги каби персонажлар миқдори ҳам белгиланиши мумкин. Масалан,



афсоналарда ҳам баъзан уч ака-ука образи иштирок этади ва улар билан боғлиқ уч хил воқеа ҳикоя қилинади. Бунга «Жайхун» афсонаси сюжети яққол мисол бўла олиши ишнинг учинчи бобида келтирилган таҳлиллардан маълум. Унда ана шу анъанавий учлик афсона сюжетида саргузаштларнинг бир-бирига уланиб кетишини ва сюжет воқелигининг қизиқарли баён этилишини таъминлаган. «Жайхун» афсонасида анъанавий учликлар мотиви воситасида «уч ўғил», «лашкар учга бўлиниб, овқат пиширмоқчи бўлиб, учта ўчоқ қуриши» ҳикоя қилинади. Тоғнинг ўрнидаги уч қозон ўрни – ўчоқлар борлиги учун бу жойни ҳалигача Уч ўчоқ деб аташлари айтилади.

Умуман айтганда, афсоналарда икки, уч, тўрт, беш, етти, тўққиз, қирк, минг сонлари билан боғлиқ анъанавий ифодалар алоҳида ўрин тутади. Булар аждодларимизнинг қадимий урф-одатлари ҳамда рақамларнинг магик қудратига ишонч асосида келиб чиққан. Улар афсоналарда сюжет воқеаларини ўзаро боғлашга хизмат кўрсатувчи поэтик воситалар сифатида намоён бўлади.

Шуниси эътиборлики, афсонанинг ҳар бир мавзу тури ўзига хос мотивларга эга. Биринчи гуруҳга бирор тилсимотни ахтариб топиш мотивидаги афсоналар бирлашса, иккинчи мавзуй гуруҳга ғаройиб ҳомий кучга йўлиқиш ва ундан мадад олиш мотивидаги афсоналар бирлашади. Учинчи гуруҳга сеҳрли предмет воситасида қаҳрамоннинг бирор бунёдкорлик қилиши ҳақидаги афсоналар киради.

Афсоналарда мотивлар аниқ тартибда келади. Масалан, авлиёлар ҳақидаги афсоналарда учрайдиган мотивлар топонимик афсоналарда, одатда, учрамайди. Ёки биргина афсонада бир неча мотив ўзаро мантиқий боғланиб келиши мумкин. Бунда уларнинг мавзуй яқинлиги асосий омил бўлади.

Машҳур авлиёлар ҳақидаги тарихий афсоналарда, асосан, қуйидаги мотивлар такрорланувчи сюжет типлари сифатида намоён бўлади:

1) Авлиёнинг ростгўйлиги, тўғрилиги, ҳалоллиги, покдиллигини қайд қилишга хизмат қилувчи мотив. У орқали кўпинча авлиёнинг ўз ростгўйлиги ва ҳалоллигини намоёни қилиши билан ёмон, эътиқодсиз кишиларни дину иймонга киритиши, уларга таъсир ўтказиб, уларни ҳақ йўлига солиши очиб берилади.

2) Авлиёнинг кароматпешалиги, илоҳий қудратга эришганлиги, башоратгўйлиги, ғайб сирларидан хабар бера оладиган зот эканлигини қайд қилишга хизмат қилувчи мотив. Бунда авлиё зотнинг ўз қафтлари орасида ёки енгларининг ичида дўзах ва жаннатни кўрсатиши ҳикоя қилинади. Масалан, «Пири дастгир» афсонасидаги Ғафсул Аъзам қароқчилар бошлиғига ўнг енгининг ичида жаннатни, чап енгининг ичида эса дўзахни кўрсатади<sup>17</sup>.

Машраб ва Сўфи Оллоёр мулоқоти ҳақидаги афсонада ҳам шу анъанавий мотивдан фойдаланиб, икки забардаст сўфининг ўзига хос йўли, дунёқарашларидаги тафовут кароматлар баҳси сифатида очиб берилади.

<sup>17</sup>Жўраев М., Саидова Р. Бухоро афсоналари. Тошкент: Халқ мероси нашриёти, 2002. – Б. 74.

3) Авлиёнинг бирор воқеадан олдиндан хабардор бўла олиши мотиви. «Рисолаи Сигноқий» асарида баён этилишича, кунлардан бир куни Хожа Аҳмад Яссавий таом пишираётиб, муриди Хожа Дуғийни Гиждувонга бориб, Хожа Абдулхолик Гиждувонийдан қатиқ олиб келишни буюради. Хожа Дуғий Гиждувонга етиб бормасданок, Гиждувонийнинг халифаси Хожа Ориф Ревгарий Аҳмад Яссавий ҳузурига қатиқ олиб келади. Бундан хабар топган Хожа Дуғий: «Орифнинг ҳоли мендан устун келди», – дея Хожа Орифнинг камолотини эътироф этади<sup>18</sup>.

4) Кўпинча авлиёларнинг **туш** орқали ғайб сирларига эришиши талқин қилинади.

5) Авлиёлар ҳақидаги афсоналарда яна авлиёга тегишли бўлган предметлар ғаройиб хусусиятли, бирор-бир тилсимга эга қилиб тасвирланади. Кўпинча уларнинг хассаси сеҳрли, магик кучга эга бўлиши акс эттирилади.

6) Авлиёлар ҳақидаги афсоналарда ҳовуз образининг тасвирланиши алоҳида эътиборни тортади. Чунки авлиёларнинг зиёратгоҳларида, одатда, ё ҳовуз, ё қудуқ мавжуд бўлади ва уларнинг шифобахш ва оромбахшлиги эътироф қилинади.

7) Авлиёларнинг ўз кўринишини ўзгартира олиши мотиви. Манбаларда ёзилишича, Оллоҳ таоло Хожа Маҳмудга кўплаб кароматларни ато этган экан. Ул зоти шариф зарурат бўлганда улкан куш шаклига кириб учарканлар ва керакли манзилга бир зумда бориб етаркан.

8) Авлиёларнинг ғаройиб хатти-ҳаракат кўрсата олиши мотиви.

9) Авлиёлар дафн этилган муқаддас қадамжоларнинг пайдо бўлиши ҳақида яратилган некронимик афсоналарда, одатда, а) қаҳрамоннинг жангда шаҳид бўлиши ва мазорининг қаерда бўлиши башорат қилиниши, унинг жасади шу башоратга мувофиқ оқ туяга ортилиши ва туянинг бориб чўккан жойига авлиёнинг жасади дафн қилиниши ҳамда муқаддас қадамжога айланиши ҳақида ҳикоя қилинади.

10) Азиз авлиёларнинг ўлмай, ўз ҳужрасига ёки қудуқ ичига, ё ғор ичига кириб ғойиб бўлиши, у ерда уларнинг мангу тирикликка эришиши мотиви ҳам афсоналарда учрайдиган анъанавий мотивлардан биридир. Бу борада Ғойиб ота номи билан боғлиқ афсоналар анча машҳурдир.

Бокира қизлар ҳақида яратилган афсоналарда уларнинг ер ёрилиб, ер остига кириб кетиши ёки тоғ бағри очилиб, уларни ўз паноҳига олиши, қизларнинг тошга айланиши, бир тутам сочи эса белги бўлиб қолиши, ер устида қолган сочидан саксовул пайдо бўлганлиги ҳикоя қилинади.

Шундай қилиб, афсоналарда хаёлий уйдирма, анъанавий эпик мотивлар, эпизодик лавҳалар, «сеҳрли рақамлар» унинг сюжетидаги воқеа-ҳодисаларнинг бир-бирига мантиқан боғланиб келишини таъминловчи муҳим омиллар эканлиги кузатилади.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Афсоналарнинг лингвопоэтик ва композицион хусусиятлари»** деб номланади. Унинг **«Афсоналарда**

<sup>18</sup> Ҳасаний М., Қиличева К. Гиждувоний илм ахллари хотирасида. –Тошкент: Фан, 2003. – Б. 51.

*қўлланадиган лингвопоэтик воситаларнинг эстетик вазифаси»* деб номланган биринчи фаслида афсоналарда образлиликни таъминловчи бадиий ифода воситаларининг турлари, уларнинг ўрни ва эстетик вазифалари махсус ўрганилди. Шунингдек, афсоналарда учрайдиган эпик формулаларнинг бадиий-услубий ролига аҳамият қаратилди. Чунки афсоналарнинг жанрий табиатини белгилашда тил воситаларининг ўрни ҳам бекиёс.

Маълумки, афсоналарда ўтмиш воқеалари хаёлий уйдирма асосида баён этилади. Шунинг учун афсоналар матнида воқелик баёни ҳамиша ўтган замон ҳикоя ёки ўтган замон эшитилганлик феъли шаклида ифодаланadi. Бунда, асосан, «эмиш» ёки «экан» тўлиқсиз феъллари орқали вақт тушунчасига муносабат билдирилади. «Экан» феъли воқеликнинг нутқ сўзланиб турган лаҳзадан анча илгари бўлиб ўтганлигини, «эмиш» феъли эса воқеликнинг бўлган ёки бўлмаганлигини, ноаниқ ва гумонли эканини англатади<sup>19</sup>.

Афсоналар кўпинча илгарироқ яшаб ўтган кексаларнинг хабарига таянилиб айтилади. Шунинг учун афсона баёни «айтишларича» деган ишоравий кириш сўз билан бошланади. Афсоналарда фикрнинг манбаини билдирувчи кириш сўзлар ва кириш бирикмалар сўзловчининг ўз нутқига модал муносабатини ифода этади.

Афсоналарда баён этилаётган хабар бадиий далилланади. Шу боисдан уларда турли бадиий тасвир воситалари учрайди. Бинобарин, афсоналарда сифатлаш, ўхшатиш, қаршилантириш, жонлантириш, муболага сингари бадиий тасвир воситалари алоҳида ўрин тутади ва уларнинг ҳар бири ўзига хос поэтик вазифа бажариб келади.

Афсоналарда сажъ, такрорий-услубий шакллар тингловчиларнинг эътиборини жалб қилиш, қизиқишини орттириш учун хизмат қилади.

Афсоналарда жонлантириш воситасида, одатда, ҳайвонлар, кушлар, жонсиз нарсаларга инсонга хос гапириш, фикрлаш хусусиятлари кўчирилади.

Афсонада контраст усули ҳам кенг қўлланади. Айниқса, контраст усули асосида яратилган афсоналар афсонанинг ибтидоий намуналари ҳисобланади. Уларда эпик қаҳрамон даҳшатли мифологик куч билан тўқнашиб, курашади. Бу курашда, албатта, яхшилик ёмонликнинг, инсон мифологик мавжудотнинг устидан ғалаба қозонади. Масалан, «Хоразм ва Хуржамол» афсонасида мард ва жасур йигит Хоразм даҳшатли аждархога қарши курашиб, уни енгади.

Умуман айтганда, ўзбек афсоналаридаги лексик қатламни иккига бўлиб ўрганиши мумкин: Ўз сўзлар қатлами, улар ҳам иккига бўлинади: а) қадимги туркий сўзлар; б) ҳозирги ўзбекча сўзлар. 2) Ўзлашган сўзлар: арабий сўзлар, форс- тожикча сўзлар.

Афсоналар халқ тилида айтилиши боис уларда жуда кўп шевага хос сўзлар учрайди. Улар афсоналарнинг локал хусусиятини аниқлашда қўл келади.

<sup>19</sup> Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – Б. 78-79.

Афсоналарда халқ ибораларидан ҳам усталик билан фойдаланилганлиги кузатилади.

Афсоналарда қаҳрамоннинг руҳий ҳолати тасвири ҳам кузатилади. Жумладан, «Жайхун» афсонасида қаҳрамоннинг «Аждаҳога кўзи тушиши биланок «бу қандай бало бўлди?! Отам мени шундай балога гирифтор қилган экан-да!»— деб *кўзининг пилтаси чиқиб кетибди*. Ўртанча ўғил ғазаб билан қиличини яланғочлаб чодирдан чиқибди-да, баҳайбат аждарҳонинг сумбатини кўриб турган жойида *тошдек қотиб қолибди*. Бу тасвирлар эпик персонажнинг кўрқоқлигини, юраксизлигини очиб бермоқда. Шунингдек, бу афсонада персонажларнинг руҳий ҳолатини янада ёрқинроқ очиб бериш мақсадида диалоглардан ҳам ўринли фойдаланилган.

Афсоналарда **эпик вақт** тушунчаси ўзига хос анъанавий шаклда ифода этилганлигини кузатиш мумкин. Уларда воқеликнинг қачон юз берганлиги ноаниқ шаклда баён этилади. Афсоналарда **вақтни** кўрсатиш учун «Қадим замонда...», «Ўтган замонда...», «Кунлардан бир кун...» ифодалари келтирилади.

Тўртинчи бобнинг иккинчи фасли «*Афсоналарда мазмунни реаллаштиришда композициянинг ўрни ва роли*»деб номланади. Бу фаслда ўзбек халқ афсоналарининг композицион таркиби ва уларда мазмунни реаллаштиришда композициянинг ўрни ҳамда вазифаси масаласи тадқиқ қилинди.

Афсоналарнинг бадиий қурилиши – композицияси ўзига хос яхлит бадиий тизим сифатида гавдаланади. Афсоналар поэтикасида сюжет муҳим ўрин тутди. Афсоналарнинг сюжети ё ихчам шаклда, ё тўлиқ (ёйиқ) шаклда бўлади. Уларни ана шу хусусияти ва эстетик вазифасидан келиб чиққан ҳолда: а) йиғиқ содда сюжетли афсоналар; б) ёйиқ – мураккаб сюжетли афсоналар тарзида икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин.

Йиғиқ содда сюжетли афсоналарнинг ҳажми кичик бўлиб, бадиий жиҳатдан мукамаллик касб этмайди ва фақат баёндан иборат бўлади. Уларда анъанавий мотив, бадиий образ ва диалоглар деярли учрамайди. Сюжети ихчам, икки ёки уч эпизоддан ташкил топган бўлиб, ғоявий мазмуни лўнда ифодаланган бўлади. Фантастик элементлар воқеалар тизмасининг ўзаро мантиқ жиҳатдан тўғри боғланишини таъминлайди. Баъзан эса воқеа ва ҳодисалар сюжет ечимида ҳал қилувчи роль ўйнаб, таъсирчанликни оширади.

Ёйиқ – мураккаб сюжетли афсоналар йиғиқ содда сюжетли афсоналарга нисбатан ҳажман катта, сюжети бир неча анъанавий мотивлар ўрамидан ташкил топган, кўпинча диалоглар билан бойитилган бўлади.

Афсоналарда барқарор сюжет ва композиция бўлмаслигига унинг оммавий ижро шакли ҳамда ахборот бериш вазифаси сабаб бўлади.

Афсоналарнинг сюжети уч қисмдан ташкил топади: биринчиси - сюжетнинг кириш қисми, иккинчиси - эпик баён қисми, учинчиси - ечим қисми. Бошқача айтганда, афсоналар композицияси таркибини экспозиция, яъни бадиий кириш, воқеалар ривожини (кульминация), тугун ва ечим каби

бадий унсурлар ташкил этади. Буни қуйидаги жадвал асосида кўрсатиб ўтиш мумкин:

Сюжетнинг кириш қисмида воқеликнинг юз берган ўрни ва вақти, эпик баён қисмида эпик ахборот, ечимда эса, шу ахборотни далилловчи муҳим маълумот, эпик тасдиқ алоҳида ўрин тутати.

Афсоналар композициясида **конфликт** алоҳида ўрин тутати ва ечимни белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Аксарият афсоналар конфликт асосида қурилганлиги боис унинг сюжетида иккита образнинг (иккита кучнинг) тўқнашуви кўзга ташланади.

Афсоналарда воқеалар кетма-кетлик билан баён этилса-да, асосан, битта воқеанинг келиб чиқиш илдизларини очиб беришга мантиқан йўналтирилган бўлади. Афсоналарда, асосан, «Нега шундай аталади?», «Бу қандай келиб чиққан?», «Менинг душманим ким?», «Бу нима?» каби ҳаётий-маиший ёки инсон учун ғаройиб ва сирли бўлган воқеаларнинг содир бўлиш ҳамда келиб чиқиш сабабларини изоҳлаш, уларнинг мантиқий ечимини топиш кўзда тутилади. Шунга қараб, афсоналар мазмуни ва шаклига кўра ҳар хиллик касб этади.

Афсоналарнинг шакли қатъий тайёр қолипга айланган эмас. Сюжетида, композиция йўналишида фольклор асарларига хос бўлган бадий тасвир воситалари аралаш ҳолда қоришиб келади.

Афсоналарда бериладиган савол-жавоб лавҳалари «**нутқ-мотив**» тарзида бадий ифодаланган бўлиб, анъанавий иккилик ёки учлик асосига қурилган бўлади.

Афсоналар аксарият ҳолларда баён қилинаётган воқеликнинг макон ва замонини билдирувчи, бирор қаҳрамон ёки ҳодиса ҳақида хабар берувчи анъанавий шакл билан бошланади. Шунга кўра афсоналар бошланиши икки хил бўлиши кузатилади: 1) Сюжет билан боғлиқ бўлган бошланма. 2) Сюжетга дахлдор бўлмаган бошланма. Афсоналарнинг биринчи турдаги бошланмаси айтувчи ва тингловчининг диққатини жамлаб, уларни ҳикоя қилинаётган воқеаларга тайёрлайди. Сюжетга дахлдор бошламалар: «қадим замонларда», «ўтган замонларда», «афсона қилишларича» деб бошланади.

Афсона қаҳрамони ҳақида хабар берувчи биографик бошлама, асосан, тарихий шахслар ҳақидаги афсоналар сюжет таркибида учраши кузатилади. Унда афсонавий тарихий шахснинг ҳаёти, турмуш тарзи, фаолияти, касб-кори кабилар ҳақидаги маълумот билан воқелик баёнига киришилади. Масалан, «Шоҳи Зинда» афсонаси Қусам ибн Аббоснинг ўз тоғаси Муҳаммад пайғамбарнинг хоҳишини амалга ошириш учун Самарқандга келган экан деган унга тегишли биографик маълумот билан бошланади. Бу бошлама қаҳрамон ҳақида хабар бериш учун айтилади. Тингловчини сюжет воқеалари ичига олиб киради.

Хронологик бошланма афсона воқеалари бўлиб ўтган вақт ва замон ҳақида маълумот беради. Масалан, «Қадим замонда, ўтган замонда, бир вақтлар, бир замонлар» тарзида.

Топографик бошланма афсоналарда икки хил кўринишда учрайди: а) топонимик бўлмаган афсонада асар воқеалари содир бўлган жой ҳақида аниқ маълумот беради (масалан, Хоразм деган томонда, бир юртда каби). Демак, бунда ўрин-жой номи ё аниқ айтилади, ё мавҳум айтилади; б) топонимик афсоналарда топографик бошланиш асар тугуни кўринишида аниқ берилади. Масалан, «Жонқур» афсонасида шундай топографик бошланиш келтирилади: «Нурота томонида Дибаланд номли қалъа харобалари бор»<sup>20</sup>.

Хуллас, афсоналар матнининг кириш қисмида бир неча типдаги анъанавий бошламалар учрайди. Шунингдек, афсоналарда аралаш типдаги анъанавий бошланмаларга ҳам дуч келиш мумкин.

Афсонада ҳикоя қилинган воқеалар гўё тугалланмагандек, давоми бордек туюлади. Бу турдаги афсоналар сюжети мотивлар, бадиий эпизодлар, мифологик ва реал персонажлар, рамзий персонажлар, образли ифода ва диалоглар билан бойитилган бўлади.

Аксарият афсоналар оддий баён шаклидадир. Уларда бадиий тасвир воситалари деярли учрамайди. Аммо барибир уларда эпик асарларга хос айрим белгилар мавжуд бўлиши кузатилади. Масалан, бундай хослик, аввало, унинг сюжетидаги воқеликнинг хаёлий-уйдирма асосида баён этилаётганлиги билан белгиланади. Шунингдек, ечимида сирли воқелик талқини (фантастика) ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунингдек, уларда бирор-бир хаёлий образнинг иштирок этиши ҳам эпик белгидир. Шунинг учун аксарият афсоналарда гарчи бадиий тасвирий воситалар деярли кўзга ташланмаса-да, ундаги воқеликнинг эпик белгилар асосида баён этилиши афсоналар бадииятининг ўзига хослигини белгиловчи хусусият сифатида намоён бўлаверади.

Афсоналарнинг бадииятини ўзида намоён этувчи чегаралар, белгилар жуда кўп. Айтайлик, айрим афсоналар бадиий қурилишида шеъринг парчалар, мақоллар, халқ иборалари учраб туради. Бундан афсоналар бадиий қурилишининг ўзига хослигини билиб олиш мумкин. Масалан, «Хубби» афсонасида йиғи кўшиғи келтирилган.:

Урма мени тошлар билан,

Кўзинг тўлар ёшлар билан.

«Оҳ, боламлаб», - сочинг юлиб,

Ахтарарсан рошлар билан, – дебди-да, учиб кетибди<sup>21</sup>.

Афсона ичида шу каби йиғи ва йўқловлар, лирик қўшиқлар, олқиш ва қарғиш, мақол ва топишмоқ каби фольклорнинг алоҳида жанр намуналари учраши мумкин. Бундай ҳодиса бадиий ижодга хос бўлиб, у жанр ичида жанр ходисаси сифатида баҳоланади. Кичик ҳажмли бир бадиий матн ўзидан каттароқ ҳажмдаги бадиий матн ичида келаверади.

«Жабборқудук» номли топонимик афсонада чўпон элнинг бошига тушган ғамдан бағри хун бўлиб шундай қуйлайди:

<sup>20</sup>Ипак йўли афсоналари, 51-бет.

<sup>21</sup> Ипак йўли афсоналари (тўплаб, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: М.Жўраев). – Тошкент, 1993. – Б. 43-44.

Йўлим узоқ энди кетурман бунда,  
Йўлимга термулиб, оҳ, онам қолди.  
Ёвлар келолмайди бизнинг ерларга,  
Кўзлари жовдираб, оҳ, болам қолди.

Афсона сюжетининг саргузашт қисмида келтирилган бундай шеъринг парчалар эпик қаҳрамоннинг ички кечинмаларини жонли ва таъсирчан ифодалашга хизмат қилади.

«Полвон отанинг ҳассаси» афсонаси таркибида бирйўла иккита мақол ишлатилганлиги кўзга ташланади. Бунда «Осмон узоқ, ер қаттиқ» мақоли курғоқчиликдан жудаям қийналган, бойлар ариқларни боғлаб қўйиши оқибатида ўз ерларини суғоролмаётган, машаққатли меҳнат эвазига етиштирган экинлари сувсизликдан қовжираб қолаётган деҳқонлар тилидан келтирилган. Уларнинг аҳволини кўрган кароматли Полвон ота бува ғаройиб ҳассаси ёрдамида сув чиқариб берибди. Бироқ одамлар: «Бу сув отизларимизга етмасов! Яна озлик қилмасин, келинг, яна бир ҳасса урақолинг! – дейишибди. Шунда уларга жавобан Полвон ота «Сабр таги сара олтин» мақолини айтиб: «Сабр қилсангизлар, шу жилдираган ирмоқнинг сувиям сизларга етиб ортади. Ҳали сувга тўйиб, балки зейлаб ҳам қоларсизлар, – дебди кулимсираб.

Баъзан афсоналар таркибидаги персонажлар нутқида қарғишлар келтирилганлиги кузатилади. Масалан, «Оқмон билан Қорамон» афсонасида Аҳмад Яссавий ғаламис ака-укаларни қилган ноҳақ туҳмати учун: «Йлоҳи омин, агарда кимда-ким гуноҳкор бўлса, худойи таолло уни итга айлантисин!» – деб дуоибад қилади<sup>22</sup>.

Баъзан афсоналарда фольклорнинг ихчам ҳажмли мустақил жанрлари келтирилиб, шу орқали асарнинг бадиияти ва таъсирчанлигини кучайтиришга ҳамда персонажларнинг руҳий вазияти, ҳолатини реал акс эттиришга эришилган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Афсона фольклорнинг алоҳида, қадимий ва анъанавий, оммавий эпик жанрларидан биридир. Оғзаки адабиёт намунаси сифатида у ўзига хос бадиий қурилишга ва сюжет тузилишига эга. Ўзбек халқ афсоналарининг тарихий-маданий аҳамияти тенгсиз. Афсоналар халқимизнинг ўзига хос бадиий тарихидир. Уларда халқимизнинг асрлар бўйи қилган орзу-умидлари, порлоқ келажак ҳақидаги ўй-фикрлари мужассамлашган.

2. Афсоналар кишиларга эстетик завқ бағишлайдиган оғзаки бадиий ижод намуналаридан биридир. Одамлар кўпинча афсоналарга бирор-бир ҳаётинг эҳтиёж туфайли мурожаат этадилар. Масалан, бирор жойнинг ёки қайси бир уруғнинг келиб чиқиш тарихини аниқлаш учун ёки бирор урф-одатнинг келиб чиқишини изоҳлаш учун унга дахлдор афсона айтилади. Айтилган афсонадаги маълумотлар кўпинча ҳақиқат деб тушунилади. Демак,

<sup>22</sup>Ипак йўли афсоналари, 97-бет.

бирор нарса хақида билишни хоҳлаган ёш авлод кўпинча ўз авлодлари томонидан қачонлардир яратилган афсоналарга мурожаат қиладилар. Бундан маълум бўладики, афсоналар барча тингловчиларга эстетик завқ улашса-да, аслида соф информатик вазифа адо этади. Афсоналар узоқ даврлар мобайнида оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтар экан, шу такрорланиш оқибатида муайян қатъий бадиий қолипга келиб қолгани кузатилади.

3. Афсоналарда воқелик талқинида хаёлий уйдирма етакчилик қилади ва ўзига хос бадиий вазифаларни адо этади. Афсоналар сюжетининг етакчи мотивлари генезиси қадимги инсонларнинг ибтидоий мифологик тасаввур-тушунчалари билан боғлиқлиги сезилади. Шунинг учун афсоналарнинг шаклланиш жараёни узоқ давом этган жараёндан иборат эканлигини ҳамда уларда кўпгина эпик сюжетлар турли хил анъанавий мотивлардан тузилган бадиий қурилма ҳолатига келиб қолганлигини таъкидлашга тўғри келади.

4. Халқ эпик тафаккурининг тадрижий ривожидан давомида мифлардан кейинги стадиал босқич сифатида шаклланган афсоналар сюжетининг генетик илдизлари қадимги мифология, ибтидоий тасаввур ва эътиқодий қарашлар тизими, урф-одат, анъана ва маросимларга боғланади. Афсоналарда ахлоқ-одоб белгиларини ифода этувчи бир қатор мотивлар, эпик шартлар ҳам учрайди.

5. Афсоналарнинг образлар таркиби мифологик тимсоллар, реал ҳамда тарихий шахслар, айниқса, пайғамбарлар, авлиёлар, табиблар, машхур хукмдор ва саркардалар тимсолидан иборат бўлади. Афсоналарда мифологик образ билан инсон персонажнинг ёнма-ён келтирилиши, тарихий шахслар тимсолининг муболаға санъати, эпик уйдирма воситасида афсонавийлаштирилиши унинг жанрий табиатини белгиловчи муҳим хусусиятлардан бири саналади.

6. Афсонанинг ҳар бир мавзуй кўринишида учрайдиган мотивлар муайян хосланганлиги билан алоҳида эътиборни тортади. Шунингдек, афсоналарда халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрларида учрайдиган образлиликни таъминловчи бадиий ифода воситаларидан кўпчилигини учратиш мумкин. Айниқса, сажъ, муболаға, ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш каби бадиий-ифода воситалари афсоналарда жанрнинг табиатини очиб беришда муҳим аҳамият касб этиши кузатилади.

7. Афсоналардаги сажъ, такрорий-услубий шакллар тингловчиларнинг эътиборини жалб қилиш, қизиқишини орттириш учун хизмат қилади. Яна уларда сифатлашлар ҳам алоҳида ўрин тутаяди ва афсонавийлаштирилаётган шахс ёки предметнинг характер-хусусиятини муфассал ифодалашга, унинг хислатларини муболағалаштиришга, бўрттиришга йўл очаяди. Афсоналарда энг кўп қўлланадиган тасвирий воситалардан яна бири жонлантириш санъатидир. У орқали афсоналарда, одатда, ҳайвонлар ва қушларга ҳамда жонсиз нарсаларга инсон хусусиятлари кўчирилади-ю афсонавий рух бўрттирилади.

8. Афсоналарда қаҳрамоннинг тутинган фарзанд ёки шогирд бўлиши мотиви; табиат культига (сув, олов, қуш ва жониворлар, ўсимликларга)



сиғиниш анъанасини ифода этувчи мотивлар; ғаройиб тарзда ҳомиладор бўлиш мотиви; болаларни ёки кексаларни адаштириб келиш мотиви; ғаройиб отга эга бўлиш мотиви; эпик ҳомийларга эга бўлиш мотиви; эврилиш мотиви; туш мотиви; ошиқлик мотиви (бу мотив афсоналарда уч хил кўринишда учрайди: а) инсоннинг инсонга ошиқлиги; б) демонологик персонажларнинг инсонга ошиқлиги; в) демонологик персонажларнинг ўзаро ошиқлиги тарзида); синов мотиви; кесилган бошнинг думалаб кетиши мотиви (асосан, топонимик афсоналарда қўлланилади); ўғайлик мотиви; жазо бериш ва жазолаш мотиви (бу мотивдаги афсоналарда кимки ёки нимаики инсонга озор етказса, ёмонлик қилса, албатта, жазоланиши очиб берилади); хабар мотиви кабилар етакчи анъанавий эпик мотивлар эканлиги кузатилади. Шунингдек, афсоналар сюжетида халқ эртақларига хос бўлган кўплаб анъанавий мотивлар ва эпик формулалар ҳам иштирок этиши кўзга ташланади.

9. Афсоналарнинг бадиий табиатини белгилашда тил воситаларининг ўрни ҳам бекиёс. Афсоналарда ўтмиш воқеалари хаёлий уйдирма асосида баён этилиши боис уларда воқелик ўтган замон ҳикоя ёки ўтган замон эшитилганлик феъли шаклида монологик кўринишда баён этилади. Бу билан афсонадаги воқеликнинг нутқ сўзланиб турган лаҳзадан анча илгари бўлиб ўтганлиги билдирилади.

10. Афсоналарда сўзловчининг кўз олдида юз берган, у бевосита гувоҳи бўлган воқелик эмас, балки бошқалардан эшитилган ёки бошқа манбалар воситасида маълум бўлган воқеликлар ифодаланади. Шунинг учун афсоналар кўпинча «айтишларича», «ҳикоя қилишларича» деб бошланади. Бу билан афсонада баён қилинаётган воқеликнинг номаълум кишилар томонидан қачонлардир айтиб қолдирилганлиги ва унинг оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб келаётганлиги маълум қилинади. Бунда фикрнинг манбаини билдириб келаётган кириш сўз ва кириш бирикмалар сўзловчига матнда ифодаланаётган воқеа-ҳодиса баёнининг у қадар аниқ эмаслигини таъкидлаб ўтишига ёрдам беради. Чунки афсонада сўзловчи, одатда, ўзи кўрганлари асосида эмас, балки эшитганлари асосида воқеликка ҳиссий муносабат билдиради.

11. Афсоналарнинг бадииятини ўзида намоён этувчи чегаралар, белгилар жуда кўп. Айтайлик, айрим афсоналар бадиий қурилишида шеърий парчалар, мақоллар, халқ иборалари учрайди. Бу ҳам афсоналар бадиий қурилишининг ўзига хослигини белгиловчи омиллардан биридир. Афсоналарнинг бадиий қурилиши – композицияси яхлит бадиий тизим сифатида гавдаланади. Улар айрим композицион белгиларга қараб халқ оғзаки ижодининг эртақ, ривоят, нақл сингари бошқа эпик жанрларидан фарқланади.

12. Афсоналар фольклорининг хаётий воқеликни хаёлий уйдирма воситасида эпик акс эттиришга асосланган мустақил жанрларидан бири сифатида бирор-бир воқеа-ҳодисани, шахс ҳақидаги муайян маълумотни изоҳлаб, тушунтириб беради. Афсоналарнинг асосий белгиси шундан

иборатки, уларда тасвирланган воқеалар эпик моҳият касб этади. Афсоналарда хаёлий уйдирма қобиғига, фантастик тасвирга ўралган воқелик ҳикоя қилинади.

13. Афсоналарда халқимиз ва ватанимиз ҳаётида юз берган муҳим воқеа-ҳодисалар ҳамда ҳаётини ўз миллати, юрти тақдири билан чамбарчас боғлаган фидойи кишилар фаолиятини эпик талқин қилиш анъанаси мавжуд. Воқеликни реал таҳлил қилишга асосланган оғзаки ҳикоя ва ривоятларнинг кўп асрлик тарихий тараққиёти натижасида афсоналарнинг юзага келишига асос бўлган, эпик сюжетнинг илк шакллари пайдо бўлган. Дастлаб хотира – ҳикоя тарзида яратилган оғзаки нақллар ровийлар репертуарида эпик сайқал берилиши ва бадий тафаккур мезонлари асосида такомиллаштирилиши туфайли тарихий воқелик хаёлий уйдирма воситасида талқин қилина бошланган. Шу тариқа ўзбек халқ насрининг қадимий намуналаридан бири – афсоналар келиб чиққан.

14. Афсоналар эпик тафаккур тараққиётининг тадрижий такомиллини кўрсатувчи манбалардан бири бўлиши билан бирга халқимизнинг ўтмиши, қадимги даврларда яшаган аجدодларимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, дунёқараши, урф-одатлари, эл-юрт озодлиги ва хурлиги йўлида олиб борган фидокорона курашлари ҳақидаги ғоят муҳим маълумотларни ўзида мужассамлаштирганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Айниқса, ватанпарвар аجدодларимизнинг ўз элини босқинчи душмандан ҳимоя қилиши ҳақида ҳикоя қилувчи афсоналарга миллат қадрини юксакларга кўтариш, она-юрт тупроғининг ҳар бир заррасини муқаддас деб билиш, миллий хурликдек улуғ неъматни кўз қорачиғидек асраш ғояси сингдирилган бўлиб, бундай фольклор асарлари ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда бугунги кунда ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади.

15. Ўзбек халқ афсоналари ўтмишда яшаб ўтган зукко кишиларнинг ғайриоддий қобилиятлари, юксак ақл-заковати, мўъжизалари, шунингдек, муҳим тарихий воқеа-ҳодисалар, аجدодларимизнинг бунёдкорлик фаолияти, шаҳар ва кўрғонларнинг қурилиши ҳақида ҳикоя қилувчи фольклор асарлари ҳисобланади. Воқеликнинг эпик талқин қилиниши, фантастика ва хаёлий уйдирманинг устуворлик қилиши, персонажлар тизимининг реал тарихий шахслар, эпик ва мифологик образлардан иборат бўлиши, эпик замоннинг тарихан конкретлик касб этиши, айтувчи ва тингловчининг ҳикоя қилинаётган воқеликни ҳақиқат деб қабул қилиши афсоналарнинг ўзига хос бадий хусусиятларини ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ДОКТОРА НАУК DSc.30.08.2018. FIL.46.02 ПРИ ИНСТИТУТЕ  
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОР**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**РАХМОНОВА МАХБУБА РАВШАНОВНА**

**ПОЭТИКА УЗБЕКСКИХ НАРОДНЫХ ЛЕГЕНД**

**10.00.08 – ФОЛЬКЛОРИСТИКА**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА  
ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

**Ташкент – 2019**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.1.DSc/Fil138.**

Диссертация выполнена на кафедре узбекской литературы Андижанского государственного университета.

Автореферат диссертации на трех (узбекский, русский, английский (резюме)) языках размещен на веб-сайте Научного совета ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet»([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))

**Научный руководитель:** **Мирзаева Салима Раимжоновна**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Ёрматов Исомиддин Тургунович**  
доктор филологических наук, профессор

**Ураева Дармон Саидахмедовна**  
доктор филологических наук, профессор

**Керуенов Турганбай Аразмедович**  
доктор филологических наук

**Ведущая организация:** **Каршинский государственный университет**

Защита диссертации состоится «...»..... 2019 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета 30.08.2018.Fil.46.02 по присуждению ученых степеней доктора наук DSc при институте узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан (Адрес: 100060, г.Ташкент, проезд Шахрисабзский, дом 5. Тел.: ((99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-14; e-mail: [uztafi@academy.uz](mailto:uztafi@academy.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (Адрес: 700100, г.Ташкент, ул. Зиёлилар, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Автореферат диссертации разослан «....» ..... 2019 года  
Протокол реестра рассылки за № \_\_\_\_\_ от «....» .....2019 года

**Т.Мирзаев**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.ф.н.,  
академик

**Л.АХудайкулова**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.ф.н.

**Ш.Г.Турдимов**  
Председатель Научного семинара при  
научном совете по присуждению ученых  
степеней, д.ф.н.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировом фольклоре легенда является одним из эпических жанров, воплощающих в себе определенные поэтические традиции каждого народа; изучение её жанровых признаков, композиции, сюжетного построения, структуры мотивов, состава образов, языковых особенностей способствует определению художественной эволюции устного народного творчества, связанного с мифологией, языком, историей, философией, этнологией. В силу этого изучение в мировой фольклористике вопросов классификации устной народной прозы, генезиса и поэтики становится одним из приоритетных научных направлений, появилось множество исследований, направленных на обоснование того, что легенды являются отдельным жанром народной прозы. В результате, всё это способствовало освещению сохранившихся до настоящего времени отдельных эпических архаических сюжетов, связанных с древней мифологией, народного поэтического толкования в легендах жизненно-исторических событий, на этой основе обоснованию общих особенностей, свойственных эпическому мышлению народов мира.

В мировой фольклористике особое значение имеет системный сбор материалов народных легенд, их подготовка к изданию и изучение с помощью сравнительно-исторического, сравнительно-типологического, историко-географического, структурно-семиотического методов исследования, а также теоретических концепций, разработанных мифологической, финской, исторической, антропологической, ритуально-мифологической школами, школой «кочевых сюжетов» по генезису, классификации и поэтике мифа, легенды, предания, сказки. Следовательно, решение проблем, связанных с жанровой и национальной природой легенд, общих и отличительных особенностей эпических жанров народной прозы – легенды, предания, сказки, басни и других жанров, жизненной правды и вымысла, то есть роли художественного вымысла, поэтики композиционного строения, состава мотивов, системы образов, стиля и языка произведений, является одной из актуальных проблем современной фольклористики, способствует её насыщению с точки зрения теории.

С первых же лет независимости «осуществлены и последовательно продолжаются масштабные работы по восстановлению древней истории и богатой культуры нашего народа, всестороннему углубленному изучению и пропаганде научного, религиозного и духовного наследия великих ученых и святых, благоустройству священных мест поклонения, воспитанию молодого поколения в духе их добрых традиций»<sup>1</sup>. В процессе духовного возрождения больше внимания уделяется более углубленному сравнительно-историческому и структурно-семиотическому исследованию древних жанров

---

<sup>1</sup>Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 года //lex.uz/docs/3211987?otherlang=1

узбекского фольклора, в частности, легенд. Определение поэтических особенностей легенд, имеющих особое место в воспитании современной молодёжи в духе благородных поступков и неповторимых эпических традиций великих предков очень важно для освещения истории эволюции художественного мышления нашего народа.

Настоящая диссертация в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в указах Президента Республики Узбекистан УП-4797 «О создании Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» от 13 мая 2016 года, УП-4958 «О дальнейшем совершенствовании системы послевузовского образования» от 16 февраля 2017 года, постановлениях ПП-2789 «О мерах по дальнейшему усовершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской работы» от 17 февраля 2017 года, ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 года, ПП-3271 «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения» от 13 сентября 2017 года, Постановления Кабинета Министров ПКМ № 222 «Об утверждении государственной программы по охране объектов нематериального культурного наследия, сохранению, пропаганде и их использованию в 2010-2020 годы» от 7 октября 2010 года, Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан №304 «О мерах по дальнейшему развитию и совершенствованию искусства бахши и сказительства» от 24 апреля 2018 года, Президента Республики Узбекистан ПП-3990 «О проведении Международного фестиваля искусства бахши» от 1 ноября 2018 года.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в Республике Узбекистан.** Диссертация осуществлена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии в республике I.«Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>2</sup>.** В мировой фольклористике к середине XX века усилился процесс широкомасштабного научного исследования легенд. В связи с усилением традиций анализа легенд в макрокультурном контексте начался новый этап научно-методологического подхода к изучению легенд. Генезис и художественная эволюция жанра легенды, связь мифа и предания, сказки, их роли в эволюции поэтического мышления изучаются в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности, University of Harvard (USA), University of British Columbia (Canada); Cambridge University

---

<sup>2</sup>Обзор зарубежных научных исследований осуществлен на материале следующих сайтов: <http://www.dictionary.com/browse/legend>; <https://www.britannica.com/art/legend>; <http://www.harvard.edu>; <http://science.gov.az>; <https://simple.wikipedia.org/wiki/legend>; <http://www.enu.kz>; <http://www/knu.kg>; [www.tiladabiyot.fan.uz](http://www.tiladabiyot.fan.uz).

(Great Britain), Universität Bonn (Germany), Academy of Korean Studies Crant (Republic of Korea); Ege Universitesi (Turkey); Московский государственный университет, Санкт-Петербургский университет (Россия), Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası Folklor İnstitutı (Азербайджан); Еуразия улттык университеті (Казахстан); Кыргыз улуттук университети (Киргизия) и Институте узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук (Узбекистан) и других научных центрах.

В мировой фольклористике установлено, что легенды, так же как и другие эпические произведения являются образцами нематериального культурного наследия, отражающего историю, особенности развития, своеобразную эволюцию национально-художественного мышления народа, создавшего его (Universität Bonn (Германия), Санкт-Петербургский университет (Россия); доказана связь их формирования с мифологией (University of Harvard (США); Московский государственный университет (Россия); раскрыты трансформационные особенности легенд в фольклоре народов мира с использованием сравнительно-исторического и типологического методов (University of British Columbia (Канада); на примере генезиса, типологии народных легенд решены вопросы развития художественного мышления тюркских народов (Ege Universitesi (Турция); Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası Folklor İnstitutı (Азербайджан); Еуразия улттык университеті (Казахстан); доказано влияние легенд на письменную литературу (Academy of Korean Studies Crant (Республика Корея); Институт узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук (Узбекистан).

В мировой фольклористике в настоящее время продолжают научные исследования в следующих направлениях: выявление генезиса и художественной эволюции легенд; установление её связи с мифом, преданием, сказкой, басней; установление законов формирования эпического творчества и принципов эволюции; освещение генезиса, источников и художественной эволюции архаических сюжетов, совершенствование критериев классификации народных эпических жанров, на основе поэтики и типологии легенды; освещение своеобразия национального эпического мышления. Согласно теории современного эпосоведения, легенды это – жемчужины духовности, воплощающие в себе поэтическую эволюцию народного художественного мышления, в которых эпически излагаются исторические события и общественно-культурные связи, обусловленные происхождением эпоса, формированием государственности. Поэтому наряду с изучением специфических особенностей народных легенд, особое внимание уделяется исследованию вопросов их историко-генетических основ и типологии в тесной связи с историческим развитием этноса.

**Степень изученности темы:** В мировой фольклористике английскими, русскими, турецкими учеными осуществлены работы по научному исследованию легенд. Известны работы английских ученых Ш.Де Костера, К.Бриггса, Б.Еатса, русских фольклористов В.Я.Проппа, Н.И.Кравцова, С.Г.Лазутина, К.В.Чистова, С.Н.Азбелева, В.К.Соколовой, В.П.Аникина,

